



ЯККА АҲМАД

Айтувчи: ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли.
Нашрга тайёрловчи: ҲОДИ ЗАРИФ.

Бурунги ўтган замонда, эл билан юрти омонда, Дўрман элида, Бобир — Ҳовдак кўлинда юртнинг оғаси, совут тўннинг ёқаси Қорахон, Сарихон деган бор эди. Дўрман элининг яртисига Қорахон ҳоким эди, яртисига Сарихон ҳоким эди. Иккови ҳам фуқаропарвар, ғарибни дўст кўрган, етимлар манглайини сийпаган оқкўнгил шаҳзодалар эди. Икковининг ҳам камлик ери йўқ, бекликдан минни йўқ, лекин икковида ҳам фарзанд йўқ эди.

Кунлардан бир куни Қорахон айтди:— Э, Сарихон, бизларнинг суймоқдан, юрмоқдан, киймоқдан камлигимиз йўқ. Бизнинг камимиз — фарзандимиз бўлмади. Энди икковимиз бир ирим қилайлик, агар бизларда фарзанд бўлса, ўғил бўлса, қўлқанот бўлсин; агар қиз бўлса, дўст, меҳрибон бўлсин; агар бирови ўғил бўлса, бирови қиз бўлса, қуда бўлайлик,— деб иккови яхши соатда яхши ният қилди. Сал вақт ўтмай, икковининг ҳам хотинларининг бўйида бўлиб, иккови ҳам қувониб юрди. Қорахоннинг хотини ўғил туғди. Шунда Қорахон элининг катта-кичигини йиғиб, катта тўй қилиб, ўғлининг отини Аҳмадбек қўйди. Сарихоннинг хотини ой-куни етиб, қиз туғди. Бу ҳам элини йиғиб, улуғ-кичик одамлари билан яхши соатда қизига Оқбилак деб от қўйди.

Иккови бирдан иккига кирди, учдан тўтга кирди, энди баччалар еттига кирди. Икковини муллага олиб бориб, мактабга қўйди. Иккови ҳам ўқиб, хат-саводи чиқди. Баччалар ўнга кирди. Оқбилак кўнглида: «Бизнинг тўраимиз бәтимга меҳр-муҳаббат билан қарамайди»,— дер эди. Аҳ-

мадбекнинг асло парвойи бўлмас эди. Оқбилакнинг энаси:— Э, Оқбилак фарзандим, энди муллани қўй, уйдан чиқма, тикиш жом-жумни ўрган,—деб муллага юбормади. Оқбилак мактабга боролмай, тўрасини кўролмай, доимгидай бирга юролмай ўтириб қолди. Аҳмадбекни соғиниб: «У ҳам мендай бўлиб, кўргиси келиб юрганмикан»,—деб айтар эди. Оқбилак ўйлади: «Кел-е, тўрамга бир рўмол тикиб берайин, шу рўмолимни кўрганда, мени ёдлар»,—деб олти ой ўлтириб, яхши суратлардан кашта тикиб, битириб, бир каниздан бериб юборди. Каниз олиб бориб тўрага берди. Тўра белига бўғди-да, кетди. Энди гапни бошқадан эшитинг.

Бу элнинг бир дарёси бор эди. Икковиннинг¹ фуқароси бўлиб ичар эди. Бир йил ҳаво қуруқчилик бўлиб, сув танқис бўлиб, эл танг бўлди. Шунда Қорахон фуқароси билан Сарихоннинг фуқароси сув талашиб уришди. Қорахоннинг одами айтди:— Сен менинг билан қачон баробар бўласан, сенинг хонингнинг бир қизи бор, уни ҳам бўлса Аҳмаджонга олиб берганмиз. Сенинг ниманг бор, моли байталмон баччағар?!

Шундан Сарихон одами жавоб айтолмай, хонига келиб бир-бир айтди. Сарихоннинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, отини миниб; «Бу қандай сўз. Мен Қорахоннинг олдида жазосини бермасамми»,—деб акасининг олдида жўнади. Сарихон келиб, шундай далада қулоқ солиб турса, унинг одамлари арз қилиб турган экан. Қорахон:— Унинг манглайида моли бормикан, бир қиз бўлса, Аҳмаджонга олиб бериб қўйибмиз, униқини ўзимизники, деб қўйганмиз. Нимасига талашади экан,—деди. Анда Сарихон бу гапни Қорахондан эшитиб: «Ҳай аттанг, аввал каттаси айтади экан, сўнг кичкинаси айтади экан-да»,—деб қайтди. Уйига келиб, ўзига қараган элни йиғиб:— Мен кўчаман, бу элдан кетаман. «Сўз суякдан ўтар, таёқ этдан ўтар», деган экан. Мен Қорахондан бир гап эшитиб келдим. Бу юрт менга ҳаром бўлди,—деб, ҳайт, деб кўчиб кетди.

Ун минг уйли Дўрман фуқароси билан, қули, чўриси билан, қаторда нори, хазинада зари билан уч ой йўл юриб, Эрон юртига бориб, элибой одамлар эмасми, молини ёйиб, йилқисини қўйиб, ўтира берди. Шу вақтда Эронда Қубод деган хони овга чиққан эди. Миришкорлари билан овлаб, қуш чуйиб, този қўйиб, Сарихоннинг ўтирган ерига келиб қолди.— Бу қандай эл?—деб сўради. Анда вазирлари:—

¹ Қорахон билан Сарихоннинг.

Подшоҳим, Дўрман элидан, Хоразм чўлидан Сарихон деган бир подшозода акасидан аразлаб келиб қолган,—деди. Подшо айтди:—Яхши бўлибди, закот — хирожини бериб, фуқаро бўлиб ўтира беради-да. «Элга эл келса давлат, элдан эл кетса меҳнат», деган экан. Ундай бўлса, юринг бориб меҳмон бўлиб, ошна бўлиб кетайлик,— деб келиб туша берди. Сарихон катта ўтовларга тушириб, элини йиғиб, қўйни сўйиб, зиёфат қилиб сийлай берди. Оқшом ётди, эртангисин қайтди. Жойига келиб:— Хўп асбобдор, давлатманд киши экан, яхши зиёфат қилди,— деб мақтаб ўтириб эди, битта одам туриб айтди:—Тақсир подшоҳим, Сарихонда нима бор экан, бир қизи бор экан. Агар берса, сизга муносиб экан. Анда подшо бу гапларни эшитиб:— Сен ажаб яхши айтдинг. Сарихон қизини менга берсин,— деб совчи қўя берди.

Сарихон бу сўзни эшитиб, нима дерини билмай, лол бўлиб қолди. Оқбилак қаради, отаси нима дерини билмади. Анда Оқбилак айтди:—Эй совчилар, (подшо) бизларни мусофир кўрмасин, менинг орқамда бобом ўғли-эрим бор. Менга бир йилга муҳлат берсин. Анда бир йилга муҳлат бериб, белги қилиб қўйди.

Оқбилак ўйлади: «Бир хат қилмасам, келмас»,— деб бир хат қилиб, бир карвонга берди. «Ўтирган бўлса — турсин, турса-юрсин, биздан умиди бўлса, келсин; агар келмаса, биз бошқанинг қўлига кетдик»,— деб юборди.

Қубодшоҳ қуръандоз, ромчиларга қуръа ташлатди, Улар айтди:— Аҳмадбек келади, ёрини олади.

Анда подшоҳ:— Ҳар ким Аҳмадни ўлдирса, ё бойлаб олиб келса, нима деса бераман,— деб қичқира берди. Қирқ зангиси бор эди. Бир бандаргоҳга тўрт йўл келар эди, шу ерга қўйди:— Шу йўлни тўс, Аҳмад ўтса, бошини кес!

Олти кунлик ерда бир бандаргоҳ бор эди. Келган савдогар тегмай ўтмас эди. Бобо айёр деган бир айёрни қирқ шогирди билан унда қўйди:— Сен бу йўлни тўс, Аҳмад ўтса, бошини кес!

Аҳмадбек Дўрманда тўралик даврини суриб юрар эди. Қорахоннинг бир тарлон бияси бор эди. Уچار қушнинг ҳавоси теккан, асло бўғоз бўлмас эди. Қорахон: «Шу бия бир қулун-той туғиб берса, Аҳмаддонга энчи берар эдим»— деб юрар эди. Аҳмад еттига кирганда шу бия бўғоз бўлди. Бир эркак қулун туғди. Йилқибон суюнчи олиб, танир берди. Анда Қорахон йилқибонга инъом-эхсон бериб юборди. Шу отни олиб келиб, Аҳмадбекнинг энчиси бўлсин, деб таблага солиб боқа берди. От еттига кирди, бачча ўн тўрт кирди, иккови ҳам баркамол.

Шаҳзода бир кун ёрининг тиккан рўмолини қўлига олиб, эсига Оқбилак тушиб: «Шу рўмолни бизнинг ёримиз — Оқбилак тиккан эди. Бир гап билан аразлаб кетди. Энди бир изламасам бўлмас», — деб туриб эди, бир савдогар: — Тўхтанг, тўрам, сизга арзим бор, — деб кела берди. Аҳмадбек қараса, қўлида хати бор. Олиб ўқиб кўрса, Оқбилак ёрининг хати. «Ўтирса — турсин, турса-юрсин, биздан умиди бўлса-келсин; бўлмаса биз душманларнинг қўлига тушиб кетдик. Албатта етсин», — дебди. Шаҳзода кетмоқчи бўлиб оқшом ётди, эрта тонг отди. Отасининг олди-га бориб, қўлини қувшириб, отасидан жавоб тилаб бир сўз деди:

Айрила билмади тоғларнинг қори,
Тирама пишади боғнинг анори,
Отим Аҳмад, айтадиган арзим бор,
Арзимга қулоқ сол элнинг сардори.

Кўкламда айрилмас тоғнинг тумани,
Адолатли юртимизнинг замони,
Отим Аҳмад, айтадиган арзим бор,
Сўзимга қулоқ сол Ёвмутнинг хони...

Худоё, очгайди юрганда йўлим,
Икки номус эр йигитга — бир ўлим,
Сўзимга қулоқ сол юртнинг эгаси,
Отим Аҳмад, ёр истайди кўнглим.

Эшитиб ол мендай ўғлинг сўзини,
Ёр учун сарғайтар гулдай юзини,
Мен излайман кетган шоҳнинг қизини,
Араз уриб кетган жоннинг ўзини.

Қорахон ўглининг бу сўзларини эшитиб, кўзини ёшлаб, «Елғиз бола ёвдан ёмон» деган узоқроқ бозорга юбормоққа кўзи қиймаган, ораси уч ойлик йўл, икки ораси сувсиз, элсиз чўл, у ёғи душман — хасм эл; — ҳай аттанг, болам, мени йиғлатиб ташлаб кетасанми? — деб ўғлининг раъйини қайтариб, Аҳмадбекка қараб бир сўз деди:

Йиғлатма, кўз ёшим тўпон айлама,
Уйимни, жойимни вайрон айлама,
Елғизим, кўзимнинг оқи-қораси,
Қариган отангни сарсон айлама.

Олистан чопилар отнинг сараси,
Йигитни ингратар найза яраси,
Қариганда отанг шўрни йиғлатма,
Ёлғизим, кўзимнинг оқи-қораси.

Сен бўлмасанг, отанг ҳайрон бўлмасми¹
Бу жойлар бузилиб вайрон бўлмасми
Ёлғизим, юртимнинг сенсан эгаси,
Сен бўлмасанг дўстим душман бўлмасми?

Олис йўлдан яхши тулпор чопилар,
Ёв кўрса, ботирлар қалқон жомилар.
Бир ёр учун кетма, болам, юртимдан,
Ундан сулув ўз элимдан топилар.

Қирғий деган қушлар бўлар қияда,
Бўзтарлон чарқиллар баланд уяда,
Ундан сулув ўз элимдан топилар,
Олиб берай Оқбилакдан зиёда.

Элатимга кўп жарчи қўйдирай,
Дўрман элнинг бари қизин йиғдирай,
Олиб берай Оқбилакдан яхшини,
Ундан сулув топиб олиб суйдирай.

Уйла, болам, кетар бўлсанг йўл ёмон,
Икки ўртаси сувсиз, элсиз чўл ёмон,
Сен шаҳримдан кетсанг, болам, юртимдан.
Бармоқ тишлаб йўлда қолсанг шул ёмон.

Аҳмадбек отасидан бу сўзларни эшитиб, ғайрати келиб,
ўтдай ёниб, шердай чирпиниб:— Э, ота, Дўрмандан Сарихоннинг қизидай топиларини мен ҳам биламан,— деб отасига қараб бир сўз деди:

Дўрман дейди униб-ўсган жойимни,
Омин денг, отажон, ёрга бораман,
Еш ўғлонман, қайтармагин раёймни

Омин денг, отажон ёрга бораман,
Ёр эмасдир, номус-орга бораман.

¹ Қўлёзмада бўмайми.

Мана дунёнг барчамиздан ўтарми,
Суюнтирмас, кунма-кунда батарми,
Бундай йўлбарс от устида турганда,
Ўзи ўлмай ёри тирик кетарми?

Омин денг, отажон, ёрга бораман,
Ёр эмасдир, номус-орга бораман...

Мард йигитга даврон икки келмасми
Мард ўлса, ҳақини душман емасми
Ёри кетса душманларнинг қўлига,
Ўйлагин отажон, ўлим эмасми?!

Омин денг, отажон, ёрга бораман,
Ёр эмасдир, номус-орга бораман.

Қулоқ сол, отажон, бу нолишима,
Раҳм айлагил кўздан оққан ёшима,
Агар шундан мен ёримга кетмасам,
Хотиннинг лачаги бўлсин бошим.

Омин денг, отажон, ёрга бораман,
Ёр эмасдир, номус-орга бораман.

Отажон, аламин қилма зиёда,
Ўлимча ёмон иш борми дунёда,
Жавоб берсанг, отли кетай, отажон,
Йўқса, хоним, хуш қол, кетдим пиёда.

Омин денг, отажон, ёрга бораман,
Ёр эмасдир, номус-орга бораман...

Қорахон кўрса, боласи қайтмайди, ҳар қандай насиҳат қилса ҳам қулоққа олмайди. Шунда мирохўрбоши — сайиснинг катталарига қараб: — Аҳмадбекнинг ўзига ният қилиб боққан отини олиб келинглар, — деб бир сўз деди:

Тўрғай чирлаб, тонг сарғайиб отинди,
Дарвеш қуллар излаб топар ботинди,
Нодон болам ёрга талаб айлабди,
Эгарлаб келтиринг Тарлон отимди.

Эшитивнглар, эй сайислар, сўзимни,
Қўлимдан кўп сдвннг ошу тузимни,

Эгарлаб келтиринг Тарлон бўзимни,
Омон-эсон жуънатиинглар қўзимни.

Аҳмаджоннинг билмаганин билдириинг,
Хушвақт қилиннг, шодмон қилиб кулдириинг,
Эгарлаб Тарлонни олиб келтириинг,
Омон-эсон фарзандимга миндириинг.

Кулоқ солиннг мендай шоҳнинг зорига,
Ажал келса, қўймас йўқу бориға,
Эгар қўйинг Аҳмаднинг тулпориға,
Нодон болам талаб қипти ёриға.

Савдо тушиб мард ўғилнинг бошиға,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшиға,
Подшосидан эшитгандан сайислар
Чопқиллашиб борди отнинг қошиға...

Утар дунё қиёматни ўйлади,
Тил боринда турли-турли сўйлади,
Етаклашиб олиб чиқиб далаға
Тарлон отни якка михға бойлади.

Алам тортди банди бўғнин бўшлади,
Икки ола хумор кўзни ёшлади,
Айил-пуштанини ечди бедовнинг
Сайислар Тарлонни яланғочлади.

— Кичикликдан катта бўлдинг қўлима,
Марварид тақдим кокилинг билан ёлинга,
Гарданингни ҳам қилиб бергин мулойим
Ирим қилиб эгар қўяй белинга.

Боғбон узар боғнинг тоза гулини,
Худо очсин талаблининг йўлини,
Айил-пуштанини ечиб, бедовни
Шипириб, устидан олди зулини.

Ҳеч кимдан олмасин ақлни ҳушни,
Айил-пуштанини ечиб бедовнинг
Қулоғидан олди зарли ёлпушни...

Олис юртдан ошган тортар хўрликни,
Бедов минган йигит қилар эрликки,

От белига аввал қўйди сайислар
Ичи майин, тиши ипак терликни.

Узоқ йўлдан беклар кўрар дурбини,
Усталар қўлига олар қиргини,
Боз устидан қўя берди сайислар
Уймалаб ташлаган бахмал чиргини.
Чиргининг устидан қўйди белликни
Суяб қўйди қундуз жаҳаздирикни.

Муллалар ўқийди зеру забарни,
Усталар ишлатар теша, табарни,
Боз устидан қўя берди сайислар
Олтин қошли, корсони кумуш эгарни.

Эранларнинг қабрин кезиб бош урди,
Икки ола хумор кўзга ёш урди,
Икки узанги иккови ҳам тилладан
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.

Яхши санамларнинг тишлари дурди (р),

От белига ёза кериб ташлади,
Зар сочоқли қимматбаҳо давирди.

Булбул ошна бўлар Ирам боғига,
Куйсин ўлим, ким чидайди доғига,
Сайисларнинг отга солган давири,
Тушади Тарлоннинг бақалоғига.

Жонворнинг ёл-қуйруғи майинди (р),

От белига торта берди сайислар
Ипакдан эшилган майин айилди.

Ҳайвонни тузади оёқдан, бошдан,
Пир дуоси кетган ғунандан-ёшдан,
От думига сола берди сайислар
Ўн икки қуббали карки қуюшқон.

Жонворнинг камии йўқ йўрға юришдан,
Чу деса, қутулар қанотли қушдан.
От белига торта берди сайислар,
Пай тўшаб ташлаган чағатой пуштан.

Зумрад давул илди эгарнинг қошига,
Қатагон ҳашамни тақди тўшига,
Қўтос тақди гардани узун бўйнига,
Қирқ қуббали юган урди бошига.

Бекнинг оти пўлат сувлиқ чайнади,
Бахмал кийиб бачча гулдай жайнади,
Бир солар исфиҳон — ўткир қилични
Обрў бер деб хипча белга бойлади.

Аҳмаджоннинг билмаганин билдирди,
Хушвақт қилиб — шодмон қилиб кулдирди,
Улуғ беклар келиб босиб узангисин
Қўлтиғидан суяб отга миндирди.

Аҳмадбек минди Тарлоннинг белига,
Ҳайбатман қаради соғу сўлига,
Отасининг ўйнаб-ўсган элидан
Талаб қилиб ёрнинг борган элига.

Шунда Қорахон боласига бир сўз деди:

Айрилиқдан тинмайин дод айлайин,
Елвориб ҳаққа муножат айлайин,
Бирор фасл отни тўхтат, Аҳмаджон,,
Тўхта, болам, бир насиҳат айлайин...

Ўзингдан пастларман ҳар йўла кетма,
Болам, айтган насиҳатим унутма,
Олдингдан ким ўтса бесалом ўтма,
Бир ғарибни кўрсанг, болам, оғритма.
Гапларимни ёдингга ол, Аҳмаджон,
Зинҳор манманликнинг йўлини тутма...

Остингда ўйнайди минган ҳайвонинг,
Отинг Аҳмад, чин тулпордир Тарлонинг,
Болам, насиҳатим бажо келтирсанг,
Қайда борсанг, дар қолсанг, мен зомин.

Сўзимни эшитгин, ҳайвон Тарлон от,
Бор, жонивор, болам сенга омонат,
Икковингни бирдай ҳаққа топширдим
Соғ бориб, Дўрманга кенглар саломат...

Аҳмад отасидан фотиҳани бетига тортиб, эли билан
хўшлашиб, кўчага тушиб, от ўйнатиб бораётгир эди.

Қорахоннинг хотини Аҳмаддан кейин бир қиз туққан, отини Қалдирғочойим қўйган эди; қизи ўн иккига кирган эди. Бахилой деган бир пари ҳар ҳафтада, ўн кунда келиб Қалдирғочой билан гаплашиб кетар эди. Шу пари айтар эди: «Чечанг — Оқбилакка совчи келди, бир йилга муҳлат олди. Қирқ занги бир работ қилиб, бир бандаргоҳда акангнинг йўлини тўсиб ётибди. Ундан нари олти кунлик йўлда Хончорбоғ деган бир жойда Бобоайёр қирқ шогирди билан акангнинг йўлини ангиб юрибди», — дер эди.

Бир вақт Қалдиғоч канизлари билан кўрса, акаси Бўзтарлонни ўйнатиб, сувлиғини чайнатиб, кетиб бораётди. Анда Қалдиғочойим чопиб келиб, акасининг жilовини ушлаб, Тарлон отнинг тизгинини бўйнига ташлаб, бир сўз айтди:

Савол:

Бошингга санчилган қизил гул бўлсин,
Мендай ойим жilовингга қул бўлсин,
Ғайрат билан миниб отнинг белига,
Дўрманнинг эгаси сизга йўл бўлсин?

Жавоб:

Ҳар саҳарлар чулон бердим нўкара,
Мард ўғлон майдонда қонлар тўкара-а,
Омин де, қўлингни кўтар, жигарим,
Ойдин кўлга мен бораман шикора.

Савол:

Остингда ўйнайди Дўрман тулпори,
Белинга ярқирай кескир ханжари,
Ойдин кўлга шикор борган йигитнинг
Қўлида талпиниб турар шунқори.

Жавоб:

Қидирарман неча қирлардан оша,
Икки зулфим гарданимга яраша,
Омин де, қўлингни кўтар, чироғим,
Бешунқор саҳрони қилсам томоша.

Савол:

Қетарингни ранги-рўйинг билдирди,
Сенинг дардинг, ога, юзим тилдирди.

Ойдин қўлга шикор борсанг, айланай,
Хон отам Тарлонни нега миндирди?

Жавоб:

Тарзимга қарасанг, анқов боламан,
Қасд қилсам, душманни ўтга соламан,
Илдам деб миндирди отам Тарлонни
Оҳу кўрсам, чўлда қувиб оламан...

Ийглайин ғам билан кўнглим бузилди,
Ҳасратингдан юрак-бағрим эзилди,

Сенингдай синглимдан қўлим узилди.

Янги тўлган ойдаи ботиб бораман,
Ажал ёқасидан тутиб бораман,
Омин де, қўлингни кўтар, Қалдиғоҷ,
Борса-келмас йўлга кетиб бораман.

Эшитиб ол мендай оғанг сўзини,
Заъфарондай ғам сарғайтиб юзини,
Излар бўлдим кетган шоҳнинг қизини,
Араз уриб кетган жоннинг ўзини.

Қулоқ сол оғангнинг айтган сўзига,
Ийглаганда ёши тўлар кўзига,
Омин де, қўлингни кўтар, чироғим,
Талаб қилдим Сарихоннинг қизига.

Дўрмандир оғангнинг ўйнаган жойи,
Менсиз сабил бўлар солган саройи,
Оғанг кетди Сарихоннинг қизига,
Дуо қил, муштипар, холислиллойи.

Қалдиғочойим акасига қараб:— Сенсиз мен қандай
юраман, деб оҳ тортиб, бир сўз деди:

Оқизгин кўзимдан қонли ёшимни,
Учиргин қўлимдан давлат қушимни,
Оша юртга кетар бўлсанг, Аҳмаджон,
Ол қиличинг, кесиб кетгин бошимни.

Сен борингда шоли-шолдам киярман,
Қокилимни тол-тол қилиб қўярман,

Оғалилар оғасини кўрганда,
Оғажон, кимларни оға деярман.

Остингда ўйнайди минган суворинг,
Эгнингда силкиллар тилла туморинг,
Оша юртга ошиб кетсанг, Аҳмаджон,
Сен кетсанг, синглингга тутар хуморинг.

Сенинг учун авлиёга топиниб,
Оғам десам ичим ўтдай қотиниб,
Агар кетар бўлсанг олис йўлларга
Синглинг қолмасмикан сени соғиниб...

Акамнинг олдида мен дод айлайин,
Бу фалакдан дод, бедод айлайин,
Бирор фасл қулоқ солгин сўзима
Тўхтанг, оға, бир насиҳат айлайин.

Остингда ўйнайди отинг Бўзтарлон,
Илоҳи балодан бўлгайсан омон,
Сўзларимга қулоқ солгил, бўйингдан.
Насиҳатим унутмагин, акажон.

Сувсиз чўлда отингни ўйнатарсан,
Мард ўғлонсан ширин жонинг сотарсан,
Шу сўзимни унутмагин, чироғим,
Қирқ кун юрсанг, Милкар тоққа етарсан.

Пари макон қилар Ирам боғига,
Олқор сувлар чўлнинг турган қоқига,
Икки ораси қирқ кунчалик йўл бўлар
Қирқ кунда борарсан Милкар тоғига.

Милкар тоғнинг баланд-баланд қори бор,
Мард ўғлоннинг номуси бор, ори бор,
Милкар тоғда Бахил деган пари бор,
Айланай, паридан бўлгил хабардор.

Ҳийлакордир, билагингдан тутмасин,
Жодугардир, сени жоду этмасин,
Алдов билан Қўҳиқоф олиб кетмасин,
Ортингдан бизларни сарсон этмасин

Алдаса ҳам қулоқ солма сўзига,
Чақирса ҳам қарамагил юзига,

Бир белгиси ўжаш шоҳнинг қизига,
Араз уриб кетган жоннинг ўзига.

Қаттиқ-қаттиқ қамчи ургин бу отга,
Илоҳи етгайсан мақсад-муродга,
Ундан ўтсанг, ўн тўрт кунлик йўл бўлар,
Сен борарсан ўн тўрт пахса работга.

Агар кўрса гулистонинг боғ этар,
Бошинг кесиб суягингни қоқ этар,
Йўлинг тўсиб шунда ётир қирқ занги,
Арақнинг кейнидан, бил, кабоб этар.

Неча вақтлар дашту саҳро юрарсан,
Ҳар ерда яхшиларман ўлтирарсан,
Ундан ўтсанг олти кунлик йўл бўлар,
Қичаб юрсанг, Хончорбоққа борарсан.

Оқизар кўзингдан қонли ёшингни,
Қўлингдан учирар давлат қушингни,
Хончорбоққа қайрилмагил, Аҳмаджон,
Бобоайёр кесиб кетар бошингни...

Шаҳзода синглисидан дуо олиб, йўлга тушиб, отга кам-
чи уриб равона бўлди.

Ҳолин билган доноди (р),
Куйса юрак ёнади,
Мардни туққан энади (р),
Энадан ягонади (р),
Бир ўзига сифиниб,
Раббано деб жўнади.

Чақмоғига қув олиб,
Метарага сув олиб,
Йўлга тушди Аҳмаджон
Қалдирғочдан дуо олиб.

От боради ариллаб,
Отган ўқдай шариллаб,
От алқими тонг шамол
Мис карнайдай зариллаб.

Гоҳ созини созлайди,
Гоҳ бўтадай бўзлайди,

Энди кўринг шаҳзода,
Кетган ёрин излайди.
Сувсиз чўлда боради,
Кесиб бағрин тузлайди.

Қамчи урса бедов от
Кийикдай бўп хезлайди.
Совиб, тортган буйруни
Тоғлар бошин кўзлайди.

От қўяди эгилиб,
От ёлига тегилиб,
Шип-шип қамчи тортди
Қор-ёмғирдай тўкилиб;
Сувсиз чўлда бедов от
Бораётир ютиниб.

Отга солди дирдикка,
Қойил бўлинг эрликка,
Сувсиз чўлда бедов от
Гоҳи чикка, гоҳ пукка;
Қамчи урса ўйнайди
Чўлларда дирка-дирка.

Совутини бўктариб,
Қалқонини тўнгтариб,
Йўлга тушди шаҳзода
Кетган ёрин ахтариб...

Чалвар қилди банотди,
Кўринг Аҳмад жаллодди,
Белга таққан пўлатди,
Ташлаб кетди элатди,
Ота-онасин йиғлатди,
Хом экан-да бедов от,
Оппоқ кўпикка ботди.

Кам-кам ўзин тузатди,
Гарданини узатди,
Қулоғин қайчилатди,
Сувлиғин қитирлатди.
Бўйнида тугма бандди (р)
Бир ёққа селкиллатди.
Бошидаги зар қалпоқ
Бир энли бошга ботди,

Рўмол билан шипириб
Юзига урган гардди;
Остидаги Бўзтарлон
Чиргиликдан тер қотди.

Остидаги бедовни
Ўр келса ўмганлатди.
Нишаб келса тўхтатди,
Текис келса ўйнатди,
Ариқ келса ирғитди.
Жилға келса жилпитди;
Ҳар кун икки маҳалда
Отдан тушиб ўтлатди.
Шуйтиб қамаб Аҳмадбек

Қирқ кунгача йўл тортди,
Отни қистаб шаҳзода
Милкар тоғига етди.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,
Қирқ кеча, қирқ кундуз юриб Аҳмаджон
Қистаб чиқди Милкар тоғнинг устига.

От-чопмоққа қойим даланинг даши,
Не кунларни кўрмас одамнинг боши,
Эртангисин чиқиб тоғнинг белига
Нишабга қаради бедовнинг боши,
Аҳмаджоннинг қулоғига келади,
Тўрам дейди, бир дилбарнинг довуши.

Аҳмаджон шундай қараса, бир паризод гулдай жайнаб,
қоши, кўзи ўйнаб, суқсурдай бўйлаб, товусдай тараниб,
бели буралиб турибди. Ойдаи юзи, қошу кўзи, сўзлаган
сўзи, излаб бораётган Оқбилакнинг ўзи: булай, улай йўқ,
Сарихоннинг қизи. Аҳмаднинг Қалдирғоч айтган сўз ёдида
йўқ, ўзига: «Эй, бечора бизнинг ёр куни қочган эканми, ё
туни қочган эканми, олдимдан чиқиб қолди. Йўлим кўп
калта бўлди-да», — деб остидаги Бўзтарлон отга қараб, эй,
жонивор, насибанг бор экан, деб бир сўз деди:

Зор йиғлаб отам шўр бўзлаб қолди-ё,
Энамнинг кўз ёши дарё бўлди-ё,
Ярим йўлда суяр ёрим келди-ё,
Вафодорим, сендан кўнглим тўлди-ё,
Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё.

Куйган қулман чиқар оқ билан зорим,
Узоқда қолгандир манзил, шаҳарим,
Неча вақтлар сендин йўқдир хабарим,
Умидим шу эди, вафоли ёрим,
Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё,

Мен келдим, отамга бўлди қиёмат,
Сени кўрдим, ёрим, соғу саломат,
Неча вақтлар қистар эдим чўлларга,
Насибанг бор экан, ҳайвон — Тарлон от,
Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё.

Қулоқ солнинг алвон-алвон тилларга,
Сўна, ўрдак юрар ойдин кўлларга,
Насибанг бор экан, ҳайвон — Тарлон от,
Неча вақтлар қистар эдим чўлларга,
Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё.

Ой каби оқ юзли маним нигорим,
Бу кўйларга солган парвардигорим,
Узоқдан яқин бўп қолди сафарим,
Умидим шу эди, вафоли ёрим,
Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё.

Паризод қаради, Аҳмадхон майл қилиб, отини тўхта-
тиб турибди. Анда шаҳзодага қараб бир сўз деди:

Пайдо бўлдинг икки гавҳар дондан,
Куйгандан сўнг ўт чиқмасми танадан,
Аввали туғилдинг, тўрам, энадан,
Қаптар бўп йўлингга қўндим, бек ўғли.

Бир ёшингда юзларинг гулга ўхшаб,
Икки ёшда зулфинг сунбулга ўхшаб,
Уч ёшингда тилинг булбулга ўхшаб,
Тўрт ёшингда айқалашдим, бек ўғли.

Ҳар кунда бу ёринг юзингни кўрди,
Неча алвонда сенга давлат давр урди,
Етти ёшда отанг¹ мактабга берди,
Ияриб масжидга бордим, бек ўғли.

Минг тиллалик рўмолим бор бошима,
Юз тиллалик садаф-маржон тўшима,

¹ Утмишда эски мактаблар кўпинча масжид ёнида бўлар эди.

Ун тўртингда танҳо келдинг қошима,
Ойдайн юзингни кўрдим, бек ўғли.

Сайисмонлар бўлар отнинг тобига,
Чечан одам гапни қўяр бобига,
Олиб кетсам сени Қўҳиқофига,
Боғи Ирамда даврон сургин, бек ўғли.

Паризод Боғи Ирам деб эди, шаҳзоданинг эсига Қал-
дирғочойимнинг сўзи келиб, отининг жиловини тортиб, йўл-
га тушиб, Тарлонга қамчи бериб, кета берди. Паризод қа-
раса, Аҳмадбек қайтиб кетиб бораётибди. Паризод бир
сўз деди:

Боғда очилар тоза гулнинг тозаси,
Тушмай кетсанг, ёмон бўлар изоси,
Кўниб ўтинг, Дўрман элнинг мирзаси,
Бир қайрилиб қўниб ўтинг, бек ўғли.

Неча йиллар ошиқ бўлдим ўзинга,
Йиғлатма, раҳм айла жоду кўзига,
Хумориман ширин-шакар сўзинга,
Бизман ҳамдам бўлиб ўтинг, бек ўғли.

Ошиқингман, ушла менинг қўлимдан,
Кўлингни ўткаргин соғу сўлимдан,
Отдан тушиб, кучгин нозик белимдан,
Бизман ҳамдам бўлиб ўтинг, бек ўғли.

Боғбон бўлиб, узгин тоза гулимдан,
Шакардай лабимдан, сўргил тилимдан,
Ошиқнинг парвойи бўлмас ўлимдан,
Бир тун даврон суриб ўтинг бек ўғли.

Мен ошиқман, энди ташлаб кетмагин,
Йўлингда кўзимни ёшлаб кетмагин,
Оқбилак деб кўнглинг хушлаб кетмагин,
Бизга меҳмон бўлиб ўтинг, бек ўғли.

Шаҳзода отини қамчилаб йўлга тушиб кета берди.
Паризод шунча чақирди, қарамади. Анда паризод аввал-
ги айтган сўзларига пушаймон бўлиб, икки кўзини ёшлаб,
бир сўз деди:

Отангнинг дуоси сенга алқиши,
Тўрга тушар бўз тарлоннинг калқуши,

Илоҳи жувонмарг ўлгин, бек ўғли,
Ерда қолмас ана Бахилнинг қарғиши.

Бу ёққа ўтдинг, яна қайтиб ўтмагин,
Оқбилакнинг билагидан тутмагин,
Эса, тўрам, мақсадингга етмагин,
Дунёдан бемақсад ўтгин, бек ўғли.

Киши қарамасми мендай парига,
Қулоқ ҳам солмасми оҳу зорига,
Илингайсан қирқ айёрнинг тўрига;
Дунёдан бетирноқ ўтгин, бек ўғли.

Оқизсин кўзингдан қонли ёшингни,
Учирсин қўлингдан давлат қушингни,
Бобойёр кессин [ёлғиз] бошингни;
Дунёдан безурёд ўтгин, бек ўғли.

Айирсин армон билан қариндошингни,
Йиғлатсин орқангда эмчақдошингни,
Хончорбоғда кесиб олсин бошингни,
Хончорбоғда хазон бўлгин, бек ўғли.

Шаҳзода:— Ул баччағар, итнинг қарғиши бўрига ўт-
майди, бўриники итга ўтмайди...— деб сўкиб кета берди.

Ошиб келган неча йўлнинг дашидан,
Отини сакратиб тоғнинг тошидан,
Паризодга қарамайин Аҳмадхон,
Обрў бер деб ошди тоғнинг бошидан.

Остида ўйнайди минган у оти,
Ёнида ярқиллаб кескир пўлати,
Доно мавлон, обрў бер, деб боради,
Оти Аҳмад, Дўрман элнинг жаллоди.

Отга йўл бермайди, тоғнинг ўраси,
Хар кимнинг бор беш кун кунин кўраси,
Доно мавлон, обрў бер, деб боради,
Оти Аҳмад, Дўрман элнинг тўраси.

Бошига ярашган тилладан тожи,
Дўрмандан олган закотман божи,
Доно мавлон, обрў бер, деб боради,
Оти Аҳмад, ўзи йигит меърожи.

Қуймасин ҳеч кимнинг қулба хонаси,
Ёнмасин, ёронлар, гулнинг танаси,
Сувсиз чўлда отин ҳайдаб қистайди,
Оти Аҳмад, Қорахоннинг боласи.

Қулоқ солинг, куйганларнинг додига,
Қулочлаб қамчи урар отнинг чотига,
Сувсиз чўлда отин ҳайдаб қистайди,
Асло қарамайди отнинг бетига.

Қулоқ солинг чечанларнинг сўзига,
Йўл тортади кечали кундузига,
Сувсиз, элсиз йўлда кетиб боради,
Асло қарамайди отнинг юзига.

Ағдарилиб учар кўлларнинг ғози,
Қиз билан келади йигитнинг сози,
Олқордай ангишлаб ирғиб боради,
Аҳмадбекнинг минган Бўзтарлон бўзи.

Жабр қилиб Бўзтарлоннинг жонига,
Қулочлаб қамчи уриб отнинг сонига,
Сувсиз чўл гумбурлаб ларзон беради,
Тарлоннинг пишқириб ирғиганига.

Шиддат бериб Бўзтарлондай отига,
Қараб бўлмас чин ботирнинг бетига,
Сувсиз чўл гумбурлаб ларзон беради,
Аҳмадбекнинг қилган сиёсатига.

Бекнинг оти семизликдан суринди,
Устинда шаҳзода ўйнаб уринди,
Ун тўрт кеча-кундуз юриб Аҳмаджон,
Сароғланиб Оқработ ҳам кўринди.

Ёғин ёғса, ҳалқоб ерлар лойланди,
Бу ишда кўрқоқнинг қўли бойланди,
Оқработни кўрганданоқ Аҳмаджон,
Чопиб келиб работни уч айланди.

Гапга тушмас тамизи йўқ бемаза,
Сулувнинг бетига ярашар ғоза,
Чопиб келиб работни уч айланди,
Топмади работдан дарча, дарвоза.

Шаҳзоданинг бўлди алами тоза,
Ҳайбатидан солиб чўлга овоза;
Хон Аҳмаднинг қулоғига келади,
Ўлдим дейди, чиқар бир ёмон сазо.

От ёлига солиниб бачча англайди
Ҳайвон Тарлон ҳар тарафга танглайди,
Полвон Аҳмад қулоқ солиб тингласа,
Бир одам «Во ўлдим», — дейди, йиғлайди.

Шаҳзода бу довушга ҳайрон қолиб: «Бу нима деган гап бўлди? Бунинг эшиги бўлмаса, ё эмаклаб кирадиган тешиги бўлмаса; агар шуни билмай кетсам, меники ҳам бўлмаса, буни қандай қилар эканман», — деб лол-ҳайрон бўлиб... отига қараб савол қилади, оти жавоб беради:

Савол:

Олдимиздан чиқиб қолди бу работ,
Асли ўзинг зотинг тулпор хоназот,
Биров йиғлар бу работда зор-зор,
Бизга бир маслаҳат бергин Тарлон от.

Жавоб:

Аслим тулпор, лекин лақабим Тарлон,
Ёв бўлса, қиламан душманни сарсон,
Қанча жабр қилсанг менинг бўйнимга,
Маслаҳатни ўзинг билгин, Аҳмаджон.

Савол:

Биров йиғлар бу работда зор-зор,
Билмайман работда нима ҳикмат бор,
Чу-ҳа, чу деб қамчи урсам сонингга,
Шу работдан ирғирмидинг, жонивор?

Жавоб:

Дам шу дамдир, ўзга дами дам дема,
Шукур қилгин давлатингни кам дема,
Айтадиган маслаҳатинг шу бўлса,
Бу работдан отинг ирғир, ғам ема.

Савол:

Бу работда биров нолиш қилади,
Инфлагани менинг ақлим олади,
Бир ошувга ирғиб ошсанг, жонивор,
Қайтишда маслаҳат қандай бўлади?

Жавоб:

Майдон-майдон беклар отин елмасми,
Бойваччалар ўинамасми, кулмасми,
Ҳайрон қолдим, Аҳмад айтган сўзингга,
Бир ошган от қайтиб ошиб бўлмасми¹.

Савол:

Бу работни унча-мунча билмагин,
Аввал айтиб сўнг пушаймон бўлмагин,
Чиқишиб атрофимни олса зангилар,
Чу десам, бўйнингни ерга солмагин,
Сен ўзингни чоғлаб сўйла, Тарлон от,
Душманларга мени банди қилмагин!

Жавоб:

Сен ҳайдасанг бундан ирғиб тушарман,
Уммон дарёсидай тўлиб-тошарман,
Бу работдан юз мартаба ошарман.

Савол:

Ўзинг Тарлон, тимгил-тимгил холинг бор,
Қобирғали туташ келган белинг бор,
Чиқишиб орқамдан қувса зангилар,
Айт, жонивор, неча кунлик ҳолинг бор?

Жавоб:

Кўнглима жой қилсам кулли отини,
Эшитиб ол мендай отнинг додини,
Очу сувсиз қочар куним бор бўлса,
Еткизай отангнинг омонатини.

¹ Қўлёзда: желмайма, кулмайма, бўлмайма.

От чопилар баланд тоғнинг бошига,
Еткизгай-да кўнглида ҳавасига,
Бир қамчи урди гўшт кўтарган сонига,
Ирғиб тушди работнинг ўртасига.

Бир қамчи уриб эди, оти қандай тушганини билмай қолди, бир ариқдан ўтгандай бўлди. Анда Аҳмадбек қараса, работда катта яккамиллар кўмилган— темирдан, пўлатдан: кичкинаси келидай, каттакони туянинг белидай. Аҳмадбек кўрди, ҳовлининг ўртасида бир михга бир йигитни боғлаб қўйибди: юрагин доғлаб қўйибди, билмайман нимага чоғлаб қўйибди. Шу боғланган йигит наъра тортиб йиғлаганига деворлар дириллаб турибди. Шунда бойловли йигитнинг кўзи тушиб:— Сен қаёқдан келиб қолдинг? Кет!—деб бир сўз деди. Аҳмадбек жавоб бериб турибди:

— Тоза гулсан, офтоб тегиб сўлмагин,
Менинг довушима қулоқ солмагин,
Касодима, дўстим, нобуд бўлмагин,
Ҳар ким бўлсанг кетгин, йўлдан қолмагин.

— Пўлат найза ер остида ётарми,
Темир найза эговласа ўтарми,
У гапларни менга айтма, жон дўстим,
Шунқор қуш ептигин ташлаб кетарми?

— Қулоқ солма менинг қилган додима,
Кўнглингни бўлмагин бу фарёдима,
Жон дўстим, ўлмагин касофатима,
Айналма, жон дўстим, ажалхонага.

— Муна дунёнг ҳамма қулдан ўтарми,
Куйсин ўлим, ҳаммани йиғлатарми,
У гапларни менга айтма, жон дўстим,
Мард ўғлон ҳамроҳин ташлаб кетарми?

— Омонат, жон дўстим, одамнинг жони,
Ҳар кимнинг элинда бўлар даврони,
Сўрсанг, бу ер «чин» йўлбарснинг макони,
Айналма, жон дўстим, йўлбарсхонага.

— Бу ерларда бўтадай бўп сўзлайман,
Ўзим пасту баланд ерни кўзлайман,
У гапларни менга айтма, жон дўстим,
Аслим шерман, доим йўлбарс излайман!

— Қараб турсанг мендай дўстинг ўлади,
Дам ўтмай иккита жаллод келади,
Арақнинг кейнидан кабоб қилади,
Айналма, жон дўстим, кабобхонага.

Шу йигитман Аҳмад не сўзлар дейишди,
Мардликман хон Аҳмад отидан тушди.

— Мард ўғлон жўрасин ташлаб кетмас,— деб Аҳмад отидан тушиб, ҳамма кийимларини ечиб, отнинг пуштанини ечиб, қаттиқ қилиб кийимининг устидан тортиб:— Эй, жонивор, агар мен зангиларнинг қўлида ўлсам, шу кийимларни отамга олиб боргайсан,—деб қўлига исфиҳон қилич-ни олди: этакни белига қайтариб айтди:

— Эй, дўстим, буларнинг арақхонаси қаерда? Боғланган йигит кўрсатиб юборди. Аҳмадбек кўрса, ерни ковлаб, ғордай қилиб тўла қазиб созлабди. Ғорнинг оғзидан бориб қараса, зангилар қатор ўтириб арақ ичиб турибди. Катта ҳовуздай тоғараси бор, катта қозондай пиёласи бор. Ҳар қайсисига навбат борса, тўлдириб, тишларига тегизмай, қоқиб-қоқиб ташлаётди. Тўрда бирови ўтирибди: шомуртлари шопдай, урти кўҳна қопдай, ҳар чаккаси бир деҳқони катта тобдай. Шунда бир, икки, уч давра айланиб, арақни ичиб бўлди. Арақни соблаб пойгага қараб:— Барра кабобни олиб кел!— деб буюриб турибди:

Арақ ичиб кетди танимдан тоқат,
Барингни қўлласин Лот билан Манот,
Олиб келинг барра кабоб гўшини,
Бўйингдан, бормисан, пойгада, жаллод?

Оқизинг кўзидан селдай ёшини,
Учиринг қўлидан давлат қушини,
Бормисан пойгада, бўйингдан, жаллод,
Олиб келинг барра кабоб гўшини!

Энағарнинг билмаганин билдиринг,
Ханжар чекиб қора бағрин тилдиринг,
Бормисан, бўйингдан, пойгада, жаллод,
Тузқоқ қип бажариб олиб келтиринг.

Кесиб олинг энағарнинг бошини,
Йиғлатинг ортида эмчакдошини,
Бормисан, бўйингдан, пойгада, жаллод,
Олиб келинг барра кабоб гўшини!

Бор экан пойгада бир неча жондор,
Одам сўйгич, бадбахт, бераҳм хунхор,
Қуллуқ деб жойидан турди баробар
Беллари бўғиқли, турибди тайёр.
Қўлинда яланғоч қайровли ханжар,
Ирғиб турди пойгадаги жаллодлар.

Аҳмадбек ҳам икки кўзини ёшлади,
Икки қўллаб ханжарни маҳкам ушлади.
Югуриб иккови чиқди далага,
Шолғомдай калласин қоқиб ташлади.

Армон билан билмаганин билдирди,
Ханжар чалиб қора бағрин тилдирди,
Биров, иков чиқа берди далага,
Бир қиличман бир кам қирқин ўлдирди.

Ўлиб қолди барзангининг бариси,
Изласа топилмас дардга давоси,
Бир қиличман бир кам қирқин ўлдирди,
Елғиз қолди барзангининг бобоси.

Дунёда бор шумликларни ўйлайди,
Сўнадай бўп бўсағага бўйлайди,
Бир дам ўтмай барра кабоб келар, деб
Ўттиз тишин шақир-шуқур қайрайди.

— Кабоб келмас бўлдими,
Гаплар ўзга бўлдими,
Еб қўйдими кабобни,
Бизга нишхўрд қолдими?

Барзанги шу замон жойидан турди,
Турган замон полвон Аҳмадни кўрди,
Хон Аҳмад ҳам ханжарини кўтарди;
Ўзи катта бўлса ҳам эпчил эди,
Чиқмасданоқ, кўзи тушди баччага,
Форига қочди-да, кирди-да турди.

Барзанги Аҳмадбекни кўриб, форига қочиб кириб, аста-секин энкайиб қараса, қирқ жўраси ўлиб ётир. Шунда неча шумликни ўйлаб: «Қўлидаги ханжарини ташласа, иш онсон бўлар эди»,— деб Аҳмадбекни алдаб-авраб бир сўз айтаяпти:

Қирқ йигитим бари жаррор ичинда,
Майдонни излаган сардор ичинда,
Маконимга йўлбарс келган эканди,
Армонда қолибман бу ғор ичинда.

Майдон-майдон отин елган эканди,
Душман излаб жонин бўлган эканди,
Армонда қолибман ғорнинг ичинда,
Маконимга йўлбарс келган эканди.

От чопмоққа қойим даланинг даши,
Ғам тортса тўкилар кўзларнинг ёши,
Ғофилда қиларми ишин мард киши,
Билдирмай қилмоқлик хумсанинг иши.

Бир тарафдан ол-ҳа, ол, деб келмадинг,
Майдон-майдон бедовингни елмадинг,
Болам, қойил йўқман қилган ишингга,
Али сабошинда калла олмадинг.

Еш ўғлонсан, савдо тушган бошингга,
Узинг ёлғиз ҳеч киминг йўқ қошингга,
Ғофилда қиларми ишин мард киши,
Болам, қойил йўқман қилган ишингга.

Сен келибсан неча тоғлардан оша,
Икки зулфинг гарданингга яраша,
Мард бўлсанг, ханжарни ташла қўлингдан,
Беханжар мен билан киргин сабоша.

Алам тортиб банди бўғнин бўшлади,
Икки ола хумор кўзни ёшлади,
Ташламаса мардлик кетар қўлидан,
Ханжарни анадай отиб ташлади.

Қулоқ солинг турли-турли намога,
Ханжарни анадай отиб ташлади,
Барзанги қирдай бўп чиқди далага.

Ёмғир ёғса, халқоб ерлар лойланди,
Урушда номарднинг қўли бойланди,
Барзанги қирдай бўп чиқди далага,
Бир-бирини йўлбарсдай бўп айланди.

Икки полвон бирдай сабоша кирди,
Бойловли у ўғлон тамоша кўрди,
Барзанги қирдай бўп чиқиб далага,
Бир-бирини йўлбарсдай бўп гирд урди...

Иккови ҳам тоғча ғайрат этади,
Бир-бирини силтаб-силтаб отади,
Бир-бирини силтаб, қайриб отганда,
Тиззасидан ерга кириб кетади.

Икки полвон бир-бирини тиради,
Кейин қараб ниқтаб-ниқтаб суради,
Бир-бирига салмоғини солганда,
Қаттиқ ерга тиззасидан киради...

Шаҳзоданинг кетди ақли шошиб,
Тани кетди ёнар ўтга туташиб,
Йиқолмади бир-бирини полвонлар,
Бир кеча, бир кундуз эрлар талашиб...

Аҳмаджоннинг билмаганин билдирди,
Зўрлик қилиб ичин ғамга тўлдирди,
Бир силтовман йиғиб олиб тўшига,
Бир сиққандан бир қобирға синдирди.

Бир кундан сўнг золим душман ғолибди (р),
Аҳмаджоннинг эсин занги олибди,
Хон Аҳмад кўзини очиб қараса,
Аҳмаднинг ханжари узоқ қолибди.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Куйсин ўлим, ким чидайди ҳилига,
Аҳмаднинг ханжари узоқ қолибди
Одам бўлса олиб берса қўлига.

Ночор бўп турибди Дўрманнинг шойи,
Одам бўлса олиб берса қўлига,
Аҳмад бўлди ханжарининг гадоёи.

Аҳмадбек бир кеча, бир кундуз курашиб, барзангини
йиқа олмаганига ўйланиб, шердай чопиниб, йўлбарсдай
чирпиниб, қоплондай юракланиб...

Билагига келди тоғдай ғайрати,
Зангини тўлғади осмонга отди,

Зангини тоғдай қип ширғиратди,
Мардлик билан бойловлини бўшатди.

Анда бойловли йигитга қараб бир сўз айтаяпти, банди
йигит Аҳмадбекка жавоб бериб турибди:

— Бунда боғли турган, йигит,
На ерда жойларинг сенинг;
Кимсан фалак урган, йигит
На ерда жойларинг сенинг?

— От ўйнатиб келган, йигит,
Балх бўлар жойларим менинг;
Бизни озод қилган йигит,
Балх бўлар жойларим менинг.

— Кетди бошдан энди ғаминг,
Яксон бўлди-ку душманинг,
Иковмисан, танқомисан,
Бормиди, дўстим ҳамдаминг?

— Эрназардир меним отим,
Балх шаҳрида, мамлакатим,
Ана томда¹, ана томда
Банди ётир қирқ йигитим.

— Озод бўлдинг вақтинг хушла,
Икки хумор кўзни ёшла,
Биз икковимиз озод киши,
Юргин бандиларга бошла.

Икки шаҳзода бориб кўрсалар, у йигитларни қамаб қўйган томнинг эшиги темирдан, қулфи пўлатдан эди. Икковлари шунча қилди, оча олмади. Аҳмадбек бояги отиб юборган қиличи шу жойда ётиб эди олиб келиб, қия қилиб, қиличи билан солиб юборди. Кескир исфиҳон икки бўлиб кесиб тушди. Аҳмадбек томнинг ичига кирса, қирқ йигитни қуванлаб қўйибди. Бари жойдан ирғиб туриб:— Мен ориқ, ана у семиз;— деб тўла-тўласини, ғўла-ғўласини, гўштли-гўштлисини кўрсатаётир. Анда Аҳмадбек қирқини ҳам бўшатиб далага олиб чиқди. Эрназар беги билан кўришиб, зангиларнинг ўлганини кўриб, кўп шукурларни қилиб, шод бўлиб, базм-суҳбат қилиб ўтириб, бир-бировидан ҳол сўрашди.

¹ Ана у уйда.

Эрназарбек Балх тўраси экан. Қирқ йигити билан овга чиққан экан. Қирқ занги ҳам овга чиққан экан, учраб қолиб, банди қилиб олиб келган экан. Бечоралар озод бўлиб, Аҳмадбекни жонидан яхши кўриб, жону дили билан хизмат қилиб меҳмон қила берди.

Барзангилар работнинг ўртасидан лаҳм қазиб, ярим тош ердан чиқариб қўйган эди. Аҳмадбек бир ёғидан оғиз очдириб, кириб-чиқадиغان қилиб қўйди.

Бир ҳафта ўтди. Аҳмадбек ўзига-ўзи айтди: «Менинг ўтирмоққа жойим, сайр этмоққа боғим йўқмиди, ўйнашмоққа тобим, улашмоққа куним йўқмиди? Бу ётганим, нима қилганим»,— деб Эрназар дўстига қараб бир сўз деди, дўсти жавоб берди:

— Ҳафта бўлди, ётдик бизлар работда,
Бунда ётсак иш битмагай, албатта,
Ҳар ким ўз элида юрса иззатда;
Ҳар ким ўз йўлига кетса не бўлди?

— Бузилмасин сенинг гулдай хотиринг,
Қирқ йигит олдинда гала ботирунг,
Олдинда Эрназар бўлса шотирунг;
Бу дўстинг жиловдор бўлса не бўлди?

— Қулоқ солгил Аҳмадбекнинг тилига,
Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Ҳар ким ўз элида юрса иззатда;
Ҳар ким ўз йўлига кетса не бўлди?

— Омон бўлсин доим, жон дўстим, жонинг,
Эрназар бўлса-чи сенинг қурбонинг;
Агар бўлса сенинг ганим-душманинг,
Сен ўтирсанг, бизлар санчсак не бўлди?

— Уз элимда бозорим бор, кентим бор,
Элим бор, халқим бор, валламати бор,
Ияртсам, сенингдай кўп йигитим бор,
Одам ияртмасга, дўстим, аҳдим бор;
Ҳар ким ўз йўлига кетса не бўлди?

• • • • •
Сен келганча мен шу ерда ётарман,
Келмоққа ваъдангни айтсанг не бўлди?

— Сувсиз чўлда ишим оҳ билан войда,
Қарвон ётар бандаргоҳли саройда,
Мен келганча ётар бўлсанг, Эрназар,
Еримни узатиб келгум тўрт ойда.

— Шаҳзодасан, ўзинг сину синбатда,
Ўз элингда ҳурматлисан, албатта,
Сенсиз мен кетмасман Балхнинг элига,
Сен келганча, мен ётарман работда.

— Тўрт ойда келолсам, келганим бўлсин,
Мавж уриб дарёдай тўлганим бўлсин,
Тўрт ойдан сўнг кунда йўлга қарагин,
Тўрт ойда келмасам ўлганим бўлсин.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,
Эрназардан дуо олиб Аҳмаджон,
Энди минди Тарлон отнинг устига.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Қулоқ солинг чечанларнинг тилига,
Эрназардан дуо олиб Аҳмадбек,
Минди ўғлон Тарлон отнинг белига...

Аҳмадбекнинг ширин жони сотилиб,
Мард қўлинда пўлат ханжар катилиб,
Бўзтарлон ўйнайди сувсиз чўлларда,
Бораётир отган ўқдай отилиб.

Майдонни кўрмаса, отин елмайди,
Ев бўлмаса, марднинг кўнгли тўлмайди,
Аҳмад тушган Хончорбоғнинг йўлига,
Қистар бачча, паст-баландни билмайди.

От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,
Узоқ билинг икковининг ораси,
Обру бер, деб ўғлон қистаб боради
Кўринмайди Хончорбоғнинг қораси...

Отин ҳайдаб Аҳмад дала-дашларга,
Худоё еткиз деб қариндошларга,
Йўлга тушиб бораётир шаҳзода,
Одам топмай, сўз қотади қушларга.

От чопилар баланд торнинг остига,
Қараб бўлмас ботирларнинг бастига,
Олти кеча-кундуз юриб Аҳмадхон
Қистаб чиқди Қорача тоғ устига.

Қамчи уриб Тарлондай асби тозига,
Кулоқ солинг марднинг айтган сўзига,
Кишини фалокат босса, кўп ёмон,
Уйқу келди шаҳзоданинг кўзига.

Уз элида эди гулдин озода,
Мард ўғлон айрилар майдон-ғазода,
Кишини фалокат босса, кўп ёмон,
От устида қалқий берди шаҳзода.

Остида йўл олмай ҳайвон Бўзтарлон,
Йўлда юриб бачча бўлди саргардон.
От устида қалқий берди шаҳзода,
Кишини фалокат босса кўп ёмон.

Аҳмадбек от устида ўтиролмай бораётиб эди. Хончор-боғнинг соясини кўриб, отини буриб: «Бу менинг насибамага бўлган соя-да, бўлмаса, чўлда соя нима қилади?»— деб отдан тушиб, ҳамма кийимларини ечиб, салқинлаб: «Бўзтарлон отни чивинлар талар, тепинар, мени ухлатмас»,— деб соянинг у бошига олиб бориб бойлади. Аҳмад кийимларини остига солиб, бир чопонини ойқора ёпиниб ухлаб қолди. Энди гапни Бобоайёрдан эшитинг.

Бобоайёр қирқ шогирди билан, ярим тош ерда бир чашма-булоқ бор эди, шу ерда Аҳмадбекнинг йўлини тусиб етиб эди: кунда биров келиб кўриб кетар эди. Шу куни, хасмгарлик, Бобоайёрнинг навбати эди. Бобоайёр келиб, йўлни қараса, Аҳмадбек ўтиб кетибди. Бобоайёр вақти хуш бўлиб, димоғи чоғ бўлиб, итдай вақирлаб кулиб қайта берди. Йигитларга қараб бир сўз деди:

Миришкорлар чиқар ойдин кўл-овга,
Ботирдан шиरोлға тилайди совға,
Садаға қурбонинг бўлай, қирқ жаллод,
Азаматим, ёппа мининг бедовга.

Азаматлар, алвон-алвон дўнинглар,
Саваш деса ғувлаб ўтдай ёнинглар,

Садага қурбонинг бўлай, қирқ жаллод
Азаматим, ёппа отга мининглар.

Жувонмарг хон Аҳмад йўлдан ўтибди,
Қон қусқурнинг кўзин уйқу тутибди,
Уйқу босганини шундан англадим,
Отнинг изи оғир ботиб кетибди.

Эшитинглар мендай айёр сўзини,
Кўриб келдим Тарлон отнинг изини,
Азаматим, ёппа мининг бедовга,
Банди қип олурмиз Аҳмад ўзини.

Қулоқ солинг Бобойёр тилига,
Бориб келдим Хончорбоғнинг йўлига,
Бойлаб олинг Аҳмадбекдай қўзини,
Бекларим, кетарми шоҳнинг элига.

Армон билан боғлаб олинг қўлини,
Неча вақтлар ангиб юрдик йўлини,
Азаматим, ёппа мининг бедовга,
Кетармиз, кўрарсиз Фаранг элини.

Бобонинг гапига бари кўндилар,
Устодим деб бари бўйинсундилар,
Бобойёр бу сўзиман айёрлаб,
Тура-тура от-отига миндилар.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Бари юрган мард Аҳмаднинг қасдига,
Қирқта айёр бари бирдан қувониб
Тура солиб минди отнинг устига...

Булар юрган бек Аҳмаднинг қасдига,
Қараб бўлмаё марднинг қадди бастига,
Қирқта айёр бари душман Аҳмадга,
Чопиб борди Хончорбоғнинг устига.

Бойловли Бўзтарлон айёрни кўрди,
Тўрт оёғин ерга тираб чинқирди,
Бўзтарлоннинг наъра тортган довушига,
Осмон билан ерлар ларзага кирди.

Чинқирардан отда армон қолмади,
Товушига тоғлар тоқат қилмади,
Уйқу ичинда маст бўп ётган шаҳзода,
Эсиз, отнинг фарёдини билмади.

Жонивор ғужумга урди бошини,
Одамдай тўкади кўздан ёшини,

Уйқу ичинда маст бўп ётган шаҳзода,
Англамади, эсиз, отнинг довшини.

Аҳмаднинг осилган олмос қиёғи,
Ғам билан сарғайган гулдай сиёғи,
Эсиз, отни узоқ бойлаган экан,
Силтади, етмади отнинг оёғи.

Жонивор одамдай кўзин ёшлайди,
Қарсиллатиб қора ерни тишлайди,
Уйқу ичинда маст бўп ётир шаҳзода,
Қулундаги довши билан кишнайди.

Айёрлар ўзининг вақтин хушлади,
Қувонгандан ёқасини ушлади,
Уйқу ичинда маст бўп ётир шаҳзода,
Таппа-таппа бари отдан ташлади.

Қирқ айёр шумликнинг барин ўйлади,
Хушвақт бўлиб ҳар нима деб сўйлади,
Қирқ душман отидан ўзин тайлади,
Уйқуда ики қўлин маҳкам бойлади.

Ўзи ёлғиз, ҳеч кими йўқ қошига,
Қим раҳм этар кўздан оққан ёшига,
Уйқуда ики қўлин маҳкам бойлади,
Қирқ қамчини бирдан қўйди бошига.

Мерган отар сувсиз чўлнинг ғозини,
Қим кўтармас санам ёрнинг нозини,
Қамчининг зарбидан очди кўзини,
Айёрларга банди кўрди ўзини.

Шаҳзода ўзини айёрларга банди кўриб, ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай эди, сўлиб: «Мардни ҳам ғафлатда армон билан бемайдон банди қилар экан-да. Мен мард ўғлон армонда ўлмай деб юриб эдим. Мен мард ўғлон ўлса, ҳар вақт майдонда олишиб беармон ўлади, десам, сен мени армон билан банди қилдинг», — деб ўзига-ўзи сазо бериб, аҳволига бир сўз деди:

Қатта, ойдин кўлда юзар ўрдак, ғоз,
Ғаним билан бўлманг бирор дам дамсоз,
Етма, деди, тайинлади Қалдирғоч,
Насиҳатни олмаганга бу ҳам оз...

Армонман бойлади уйқуда қўлим,
Узоқда қолгандир манзилим, элим,
Йиғлаб насиҳатлар қилди муштипар
Етмагин, деб тайинлади синглим.

Дўрман элдай элатимдан айрилдим,
Кўп аркони давлатимдан айрилдим.
Бир қўшинга бўлар эдим бир ўзим,
Уйқуда қоп ғайратимдан айрилдим.

Ҳай аттанг, даври давроним бўлмади,
Йўлга тушдим, пушаймоним бўлмади,
Мен шунингдай банди бўлган вақтимда,
Во болам, деб отажоним бўлмади.

Қайтайин ўсган диёрим бўлмади,
Жон ачирим, ичкуярим бўлмади,
Мен шунингдай банди бўлган кунимда,
Энам шўрли, ул ночорим бўлмади.

Уйқуда қолдим, мадорим бўлмади,
Душманларга эътиборим бўлмади,
Чириллаб акам, деб турса бошимда,
Қалдирғоч шўрли жигарим бўлмади.

Банди бўлдим, номус-орим бўлмади,
Турмоққа қиттай қарорим бўлмади,
Во тўрам, деб йиғлаб турса бошимда,
Ҳай аттанг, Оқбилак ёрим бўлмади.

Боғимда гулу гулзорим бўлмади,
Ёлғиз қолдим ғамгузорим бўлмади,
Армон билан ўлар бўлдим мен энди,
Қайтайин, тайин мозорим бўлмади.

Тоза гулдай сўлар бўлдим мен энди,
Дарёдай бўп тўлар бўлдим мен энди,
Армон билан ўлар бўлдим мен энди,
Қуло чўлда қолар бўлдим мен энди,
Ғамман тошиб, тўлар бўлдим мен энди,
Ғариб мозор бўлар бўлдим мен энди.

Душманларнинг зулми, таёғи ҳаддидан оша берди, Аҳ-
мадбекнинг алами зиёда бўлиб, ўз ҳолига айтаётир:

Дўрмандай ўсган жойимдан,
Тилла-кумуш саройимдан,
Отам шўр қиблагоҳимдан,
Қариган дуоғўйимдан;
Улуғим — шаҳаншоҳимдан,
Тождорим, паноҳимдан,
Бошим қутулмас войимдан,
Чўл куяр тортган оҳимдан
Барисидан жудо бўлдим.

Айрилдим кулба хонамдан,
Мен шамъ эдим, парвонамдан,
Мен жон эдим, ул танамдан.
Айрилдим шўрли энамдан —
Ночоримдан жудо бўлдим.

Боғда очилган гулимдан,
Айрилдим жони дилимдан,
Айрилдим ўсган элимдан,
Боғимдаги булбулимдан,
Қалдирғочдай синглимдан —
Жигаримдан жудо бўлдим.

Элим, хешу табаримдан,
Униб-ўсган диёримдан,
Соғинганда хуморимдан,
Бўйнимдаги туморимдан,
Оқбилак бебахт ёримдан —
Суйдигимдан жудо бўлдим.

Дўрмандайин элатимдан,
Ул аркони давлатимдан,
Дўст-душманга савлатимдан,
Қаҳрим келса ҳайбатимдан,
Кўнглим тошса ҳимматимдан,
Учадиган қанотимдан,
Қўнадиган работимдан,
Куч-қувват ҳолатимдан —
Барисидан жудо бўлдим.

Боғда олма, аноримдан,
Қаторда юрган норимдан,
Айрилдим ҳарна боримдан,
Тар очилган гулзоримдан,
Неча бир шаҳзодаларимдан —
Барисидан жудо бўлдим.

Неча қавму-қардошимдан,
Ҳамсуҳбатим, йўлдошимдан,
Сирим айтар сирдошимдан,
Қўлим ушлар қўлдошимдан
Не барно қалам қошимдан,
Доноларим, кенгашимдан,
Неча бек суҳбатдошимдан,
Айланиб кетмас қошимдан —
Барисидан жудо бўлдим.

Подшо эдим, чўпон бўлдим
Олтин эдим, чўян бўлдим,
Қиммат эдим, арзон бўлдим,
Доно эдим, нодон бўлдим
Буғдой эдим, сомон бўлдим,
Юраги тўла қон бўлдим,
Ичим тўлган армон бўлдим.

Узининг якка-ёлғизлигини армон қилиб, ҳеч ким ёлғиз
бўлмасин, деб бир сўз деди:

Пайдо бўлдим икки гавҳар дондан,
Қўтарилиб учдим манзилхонадан,
Уламан деб ғам емайман, айёрлар,
Армоним шу ёлғиз эдим энадан.

Белимга боғлаган заррин пўтадан,
Бандасининг иши доим хатодан,
Уламан, деб ғам емайман, душманлар,
Армоним шу, ёлғиз эдим отадан.

Белимга бойланган олмос қиёғим,
Ғам билан сарғайган гулдай сиёғим,
Армоним шу, ёлғиз эдим отадан,
Аттанг-а, қолмади бирор туёғим.

Айта берсам эсга келар бурноғим,
Гумон бўлди бу дунёда турмоғим,
Армоним шу ёлғиз эдим отадан,
Қолмади ортимда бирор тирноғим.

Отадан тўртни ярат бешни ярат,
Ёлғизни яратганча тошни ярат;
Бири ўлса тўрти йиғлар бошига,
Ёлғиз шўрнинг кими келар қошига.
Бормисан ёнимда, ҳайвон, Тарлон от,
Бу сўзимни эшитиб ол, хоназот,

Аҳмаднинг бошига бўлди қиёмат,
Елғиз шўрнинг оти йиғлар бошига.

Жонивор Бўзтарлон кўзин ёшлайди,
Қарсиллатиб қора ерни тишлайди,
Хон Аҳмаднинг бу сўзига чидамай,
Қулундаги товши билан кишнайди.

Полвон Аҳмад қилди ададсиз армон...
Айёрлар ичинда биров бор экан...
Алам тортиб банди бўғнин бўшлади
Во ҳасрато, хумор кўзни ёшлади...
Аҳмаднинг устига ўзин ташлади:

— Айёрлар, айтайин сенга бир сўзни,
Аҳмад деб тарк этдинг кеча-кундузни,
Эсиз, дўстим ёлғиз экан энадан,
Мерганлар ирим қип отмас ёлғизни.

Пайдо бўлиб икки гавҳар дондан,
Якка-танҳо чиққан манзилхонадан,
Мерганлар ирим қип отмас ёлғизни,
Эсиз дўстим ёлғиз экан энадан;
Мени ўлдир, дўстимни озод айланглар.

Оқизинг кўзимдан қонли ёшимни
Қиёмат савдога қўйинг ишимни,
Мени ўлдир, дўстимни озод айланглар,
Дўстим учун мен бераман бошимни.

Узоқда қолгандир дўстимнинг жойи,
Ўзи танҳо экан, йўқдир ҳамройи,
Мени ўлдир, дўстимни озод айланглар,
Дўстим учун менинг жоним худойи.

Қулоқ солинг Алмуҳаммаднинг тилига,
Булбул ошна бўлар борнинг гулига,
Мени ўлдир дўстимни озод айланглар,
Мусофирдир, эсон кетсин элига!

Бобоайёр бадбахт Аҳмадбекка зулмлар қилиб турган
вақтда Алмуҳаммаддан бу сўзни эшитиб, дарқаҳр бўлиб,
бу қандай ажали етган эди,— деб қошидаги айёрларга қа-
раб бир сўз деди:

Эсанкираб эси кетган ким бўлди,
Бу ерда ҳисоби йитган ким бўлди,

Аввал бошлаб Алмуҳаммадни ўлдиринг,
Бу ерда ажали етган ким бўлади?!

Армон билан билмаганин билдиринг,
Ханжар чалиб қора бағрин тилдиринг,
Бу ерда ажали етган ким бўлди
Аввал бошлаб Алмуҳаммадни ўлдиринг.

Оқизинг кўзидан қонли ёшини,
Аввал кесинг Алмуҳаммаднинг бошини
Бу ерда ажали етган ким бўлди,
Айириб олар Аҳмад қариндошини...

Утар дунё ўтарини ўйлади,
Тил боринда булбулдай бўп сўйлади,
«Икки одам бир одамнинг тангриси»,
Алмуҳаммадни ҳам юмалоқлаб бойлади.

Алмуҳаммад бечорани бойлаб, Бобоайёр аввал шунини ўлдирмоқ керак, деб Алмуҳаммаднинг қошига келиб, бошини кесмоқчи бўлди. Анда Аҳмадбек Бобоайёрга қараб бир сўз деди:

Қулоқ сол, айёрлар, қилган додима
Қайтайин, етмай ўлдим мақсадима,
Бир минолмай қолдим тулпор отима,
Қўлим етмай қолди-да пўлатима.
Бу ишда дўстимнинг йўқдир гуноҳи,
Алмуҳаммад ўлмасин касофатима.

Беклар минар бедов отнинг толмасин,
Ҳеч кимса дунёда биздай бўлмасин,
Биздай бўлса бу дунёга келмасин,
Жудоликни ҳеч бандага солмасин.
Алмуҳаммаднинг асло йўқдир гуноҳи,
Менинг касофатима нобуд бўлмасин...

Анда Аҳмаднинг бу сўзини эшитиб айёрлар:— Рост айтади, Аҳмадни сўй, Алмуҳаммадни қўй, подшога олиб бориб бер, ўлдирса, ўзи ўлдирсин, қўйса, ўзи қўйсин,— деди. Бобоайёр айёрларнинг сўзин қабул қилиб, Алмуҳаммадни боғлаб қўйиб, Аҳмадбекни сўймоқчи бўлди. Анда Аҳмад бир сўз деди:

Сабил бўлиб қолди манзил, маконим,
Баданда эмранар тандаги жоним,
Аввал маҳкам бойла икки кўзимни
Қиличингни кўрса қўрқар баданим.

Энди шундай бўлди ҳолу аҳволим,
Сўзимга қулоқ сол, айёри золим,
Қиличингни кўрса қўрқар баданим,
Киссамда бор ёрим тиккан рўмолим.

Эшитгин, айёрлар, айтган сўзимни,
Ғофил қолдим, бойлаб олдинг ўзимни,
Киссамда бор ёрим тиккан рўмолим,
Шу рўмолман маҳкам бойла кўзимни.

Энди чиқар бўлди танимдан жоним,
Ширин жоним эди танда меҳмоним,
Шу рўмолман маҳкам бойла кўзимни,
Қиличингга сесканмасин имоним.

Шу маҳалда Аҳмад шуни сўйлади,
Бандилигин ҳадсиз армон айлади,
Киссасидан суғуриб олиб рўмолин
Маҳкам қилиб икки кўзин бойлади...

Бобойёр қиличини Аҳмаднинг гарданига қўйиб, шунча зўр қилди — қилич кесмади. Қирқ айёрнинг қиличини солди — кесмади. Аҳмаднинг ўз қиличини ҳам олиб келиб солди — кесмади. Анда Бобойёр ҳайрон қолиб нима қиларини билмай турган ерида етти сирли кўза заҳари бор эди, икки айёрни юбориб олиб келиб, Аҳмаднинг устидан қўйди. Бобойёр.— Энди ҳам ўлмассан,— деб Бўзтарлонни ўлжа қилиб, Алмуҳаммадни банди қилиб, нарса-қорасини олиб, ҳайт деб кўчиб, элига қараб кета берди... Неча вақтлар йўл юриб, тун қотиб Сарихоннинг овулининг устидан борди.— Эй айёрлар, Сарихоннинг устидан келдик, неча кун бўлди, йўл юриб ҳоридик. Йигирманг мана бу отни, Алмуҳаммадни олиб турсанглар, бизлар йигирмамиз бориб, Сарихон бир аҳмоқ одам, зиёфатини еб келайлик,— деб Бобойёр йигирма айёри билан Сарихоннинг банот-бахмал билан ёпган уйининг олдига келиб, бир сўз деди:

Чопилса арғимоқ отлар гуйдами,
Уруғли эл кенгашлари бийдами,
Аҳмадбекдан келдик ўзингга совчи
Бизнинг қуда бой Сарихон уйдами?..

Уйда бўлсанг, чиқиб отим бойлагил,
Ўтовингга янги либос тайлагил,

Аҳмаддан келамиз ўзингга совчи,
Бизлар қуда, чиқиб бизни сийлагил...

Сарихон уйда ўтириб эди.— Ҳа, қудам, уйдаман, туша бер,— деб чопиб чиқди. Чиқаман, деб ўнгирининг бировини бўсағада босиб, бир йиқилиб тура келди.— Қудам, хуш келибсан,— деб олти қанот уйга киргизиб:— Аҳмад қайда қолди?— деб сўраб, катта чори қўйдан бир қўйни олиб келиб сўйиб, қозонни катта уйнинг ўртасига қўйиб, зиёфатни катта қилиб, хизмат қилиб турди. Энди гапни Аҳмадбекнинг ёри Оқбилак оймидан эшитинг.

Оқбилак ойм шу кун чошкагача ухлаб қолди. Энаси: «Бундай асло ухламовчи эди, бунга бир бало, ё Аҳмадбекка бир бало бўлди»,— деб бечора қизининг бошида бетига қараб ўтириб эди. Оқбилак чошкада турди, энаси бошида юрибди. Энасига қараб йиғлаб қўя берди. Энаси қизининг бошидан парвонадай айланиб:— Ёлғизим, кўрар кўзим, сўйлаган сўзим, нега йиғлайсан?— деб сўради. Анда энаси-га қараб, бир сўз деди:

Эна ётиб, мен уйқуда туш кўрдим,
Бу тушимда кўп ажойиб иш кўрдим
Бу тушимда кўп ишлар бор, энажон,
Дўрман элда туйғун шунқор қуш кўрдим.

Намоз вақт кўрибман, энажон, тушди,
Шу тушим тўкади кўзимдан ёшди,
Шу шунқор давр урди, осмонга учди,
Қирқ кун учиб Милкар тоққа етишди;
Милкар тоғда шунқор бир ўққа учди,
Милкар тоғда ўққа учган ким бўлди?

Армон билан билмаганим билдирди,
Қизил гулдай рухсоримни сўлдирди,
Оқработда қирқ қузғунни ўлдирди,
Қирқи ўлиб, қирқи қолган ким бўлди?

Остида койиди минган тулпори,
Белига тут босди кескир ханжари,
Шу работдан ўтиб элнинг шунқори,
Хончорбоғда ухлаб қолди қўчқори;
Гирдин олиб қамсаб келди қирқ бўри,
Бир кам қирқи ўйин солган ким бўлди?

Эна, раҳм айлагил кўзда ёшима,
Фалак титрар менинг бу нолишима,
Икки даста гулни санчдим бошима,
Бири сўлиб, бири қолган ким бўлди?

Во ҳасрато, ичар сувим лойланди,
Фалокат бошимга ёмон айланди,
Эртан билан йигирма от бойланди,
Уйга келган золим меҳмон ким бўлди?

Оқбилак ойим умрида ғам кўрмаган, юраги дириллаб,
қўрқиб, асло ўзини тўхтатмай йиғлаётир. Шунда энаси қи-
зига қараб, тушини жўраб, бир сўз деди:

Болам, сўлди сенинг гулдай баҳоринг,
Хазон бўп қолмағай гулу гулзоринг,
Жоним болам, кўп қаттиқ туш кўрибсан,
Хон Аҳмаддир сенинг кўрган шунқоринг.

Сени деб жонидан кечган Аҳмаддир,
Шавқ шаробин тўя ичган Аҳмаддир,
Дўрмандан давр уриб учган Аҳмаддир,
Милкар тоғда ўққа учган Аҳмаддир.

Сенга айтай ол отангнинг алқиши,
Йигитнинг яйлови санамнинг тўши,
Милкар тоғда ўққа учган Аҳмаддир,
Мустажо бўлган Бахилнинг қарғиши.

Армон билан билмаганин билдирган,
Майдон-майдон Тарлон отин елдирган,
Оқрабодда қирқ зангини ўлдирган,
Оқрабоддан танҳо келган Аҳмаддир.

Куйган қулнинг чиқар оҳ билан зори,
Уртанганнинг бўлмас сабру қарори,
Хончарбоғда ухлаб қолса қўчқори,
Гирдин олиб қамсаб келса қирқ бўри,
Бўри бўп кўринган шоҳнинг айёри,
Хончарбоғда хазон бўлган Аҳмаддир.

Айтдинг менга, болам, тўғри сўзингди,
Тўрам деб юла бер икки юзингди,
Икки даста гулни санчсанг бошингга,
Сўлган Аҳмад, сўлмай қолган ўзинди (р).

Ёмон тўғри келди боламнинг туши,
Не савдолар кўрар одамнинг боши,
Инонмасанг, катта уйга бориб кўр,
Эрта билан кепти йигирма киши.

Оқбилак ойм аста бориб, сийғалаб қараса, йигирма айёр отасини калака қилиб, мазах қилиб ўтирибди. Сарихон:— Аҳмаджон қаерга келди?— деб сўраб ўтирур. Анда отасини чақириб олиб бир сўз деди:

Отажон, қўлингда даври давронинг,
Бу келганлар сенинг катта душманинг,
Қаердан, жон ота, келган меҳмонинг,
Ота, бу келганлар қандай кишидир?

Жавоб:

Қаладан қалампир юклар қалачи,
Мадад қилсин Бобозанги подачи,
Дўрмандан келибди ўзингга совчи,
Қизим, бу келганлар қуда кишидир.

Савол:

Оқ десам, тўкилар кўздан селдай ёш,
Булар, ота, катта душман — қизилбош,
Дўрманда йўқ эди бундай қариндош,
Ота, бу келганлар душман кишидир.

Жавоб:

Ҳайрон қолдим, болам, айтган сўзингга,
Термилиб қарайман ойдай юзингга,
Дўрмандан келибди совчи ўзингга,
Қизим, бу келганлар қуда кишидир.

Савол:

[Туси ёмон], ола экан кўзлари,
Юзи ёмон, ҳийла экан сўзлари,
Қаердан, отажон, меҳмон ўзлари,
Ота, бу келганлар душман кишидир.

Жавоб:

Сени деб меҳмонлар жондан кечгандир,
Сувсиз чўлда чўллаб арақ ичгандир,

Арақ ичиб унинг қони қочгандир,
Қизим, бу келганлар қуда кишидир.

Савол:

Отажон, гапингни гапга улагин,
Улуғ дегин, остонани тунагин,
Мени десанг, меҳмонларнинг синагин,
Ота, бу келганлар душман кишидир.

— Болам, синайман деб уялиб қолмайик тағи,— деди. Оқбилак:— Уялмайсиз,— деди,— ёлғиз фарзандининг сўзини асло қайтармас эди. Хайр, синасам, синайин,— деб далага чиқди. Бир катта қарағай оғочнинг тегини ўйдириб олган катта корсони бор, эди, кичикроқ ҳовуздай эди. Шу корсонни катта уйнинг оғзига қўйдириб, ичини сувга тўлдириб, ўн ботмон тузни ичига солиб, намоқоб қилиб, хизматкорларига айтди:— Ана у тўрда ўтирган бобони бу ёққа олиб ўт.

Бир эпчил хизматкори Бобойёрни мошга тушган новвосдай қилиб етаклаб ўтди. Сарихон Бобойёрни иштончанг қилиб, кўтариб сувга урди.— Сендай қудамни...— деб қараб турди. Бобо шўнғиб нариги бошидан чиқди. Шунда Сарихон қўлига бир калтакни олиб, Бобайёрни елкасига калтак билан қўйиб юборди. Бобо тағи шўнғиб кетди. Анча намоқопни ютди. Уладиган бўлиб, сувнинг ўртасида — Сарихон калтаги етмас ерда туриб, бўйинини чўзиб, йигирма айёрга қараб бир сўз деди:

Сарихон корсонга солди тузини,
Бермас бўпти Аҳмаджонга қизини,
Садаға-қурбонинг бўлай, йигитлар,
Бориб айтиб келинг Аҳмад ўзини.

Аҳмад сўрса, сенинг бобонг ўлди, денг,
Қайнатанг душманликни қилди, денг,
Энди сенга қизин бермас бўлди, данг,
Бориб айтиб келинг Аҳмад боламни.

Бориб айтиб келинг болам Аҳмадни,
Қайнатаси менга берди заҳматни,
Сен душман, деб менга қилди тухматни,
Бориб айтиб кенглар Аҳмад боламни...
Эшитинг, йигитлар, айтган сўзларни,
Биз тарк этдик кечали кундузларни,

У келмаса, ўлдиради бизларни,
Бориб айтиб кенглар Аҳмад боламни.

Йигирма айёр тура-тура жўнай берди. Анда Сарихон шошиб қолди, эшикнинг оғзини олди. «Қизи қурсин, қиз боққаннинг юзи қурсин. Аҳмад келиб қолган экан. Ҳай агтанг, уят бўлиб қолди»,— деб Бобоайёрни сувдан чиқариб, тўрга ўтқазиб, нима дерини билмай шошиб:— У қудам, менинг бу ишимга аччағланма, менинг одатим — яхши кўрган одамимни бир намакоблаб оламан, тағи кўнглинг қолиб юрмасин, жўра,— деб ётир. Оқбилак жапсардан сийғалаб қараса, отасини сўкиб ётир. «Одатинг билан қўшиб қизингни» деяётир. Сарихон шошиб, уялиб, ҳеч нима деёлмай, гап тополмай ўтирибди. Шунда Оқбилакнинг кўзи рўмолга тушиб, кашгаларини яхши кўриб, ҳавас қилиб, отасини чақириб олиб, бир сўз деди:

Бу жудолик мени қилди саргардон,
Қайтайин, топмадим дардимга дармон,
Қайтайин, аёлча ақлинг бўлмаса,
Ақлинг калта нораस्ताдай, отажон...

Ун тўртдадир қиз боланинг камоли,
Қоронгини ёруғ қилар жамоли,
Ақли калта нораस्ताдай, отажон,
Қудангнинг бор экан яхши рўмоли.

Шонаман зулфимни тоблаб ўрайин,
Олиб кеп бер шу рўмолни кўрайин,
Омон-эсон тўрам келса бир куни,
Мен ҳам хон тўрамга тикиб берайин.

Давлатинг бор, зарли дастор ўрагин,
Қудангнинг белига бориб қарагин,
Ажаб яхши кўринади, отажон,
Олиб кеп бер, шу рўмолни сўрагин.

Ажар яхши кўринади нухаси,
Қайда экан шуни тиккан устаси,
Олиб келгин мен ҳам нуха олайин,
Олиб кеп бер, ота, гапнинг қисқаси.

Сарихон бориб айтди:— Э қудам, белингдаги рўмолингни бергин, болалар нухса оламиз,— дейди.

Анда Бобойёр:— Элибойникига томирим деб келсанг, келган пилла бир нарсангни тилаб олади; олдингга бир хўрак қўйиб тағи бир нарсангни тилаб олади; жўнар чоқда тағи бир нарсангни тилаб олади,— деб эди, Сарихоннинг аччиғи келиб:— Ов болалар, корсонни олиб кел,— деди. Бобойёр корсондан юракни олдирган эмасми:— Ма, баччағар, ҳазиллаб эдим; ҳазилни билмайсанми,— деб рўмолни қўлига берди.

Сарихон уйига кетгандан Бобойаёр йигитларига:— Утни тика беринг, шўрвасидан пича ичиб кетмаса, шўр сув йўлда ўлдирад,— деб ҳар ёқдан қозонга ўтин тикиб ётир.

Оқбиллак рўмолни кўргандан довушининг боричча чирқираб йиғлаб қўя берди. Сарихон отасига қараб бир сўз айтади:

Йиғлайин паймонам тўлган эканди,
Очилмайин гулим сўлган эканди,
Армонман мард тўрам ўлган эканди,
Сабил рўмол ўлжа бўлган эканди.

Шонаман зулфимни тоблаб ўрганман,
Рўмол учун кўп машаққат кўрганман,
Дўрман элда шод-хушвақт юганда,
Хон тўрамга ўзим тикиб берганман;
Сабил рўмол ўлжа бўлган эканди,
Ҳай аттанг, мард тўрам ўлган эканди.

Армон билан билмаганин билдиргин,
Чоп қиличман, ичин ғамга тўлдиргин,
Тўрам келса ўзим берай жавобин,
Жоним ота, шу қудангни ўлдиргин.

Сарихон:— У хотин, қилични олиб бер, ўлдирсам, ўлдириб қўя қолайин,— деб кескир исфиҳон қилични яланғочлаб қўлига олиб чиқа берди. Сарихоннинг бу сўзи Бобойёрнинг қулоғига тегиб, йигитларига айтди:— Туринг кетамиз. Ана, баччағар тағи аиниди. Сарихон қараса, қудалари отланиб бораётир. Қўлида қилич яланғоч қувиб юрибди. Оққўнғил ҳеч бировини чополмади. Шу вақтда бир одам келиб қолди:— Чоп баччағарни, чоп,— деди. Биттасини чошиб ташлади. Ун тўққизи тура солиб қоча берди. Сарихоннинг бир қора, қашқа оти бор эди, қарчиғайнинг ҳавоси теккан.— Сайис, отни чиқар,— деб бақириб келди. Сайис ҳам шошиб, отни нўқтачанг кўндаланг қилди. Анда осилиб отига миниб, қилич сирти билан отининг сағрисиға

уриб, тепиниб:— Қўйма, қўйма,— деб урди-да кетди. Оқбилак зор йиғлаб: «Шўрим қурсин, тўрамдан айрилиб эдим, отамдан ҳам айрилдим; ёмон бўлса ҳам элнинг босилдириги эди. Буни ҳам айёрлар ўлдириб кетди».— деб чопиб бир кирга чиқса, отаси айёрларни тўққизини ўлдирибди, ўн бири қолибди. Оқбилак: «Отам бечора дуруст экан. Энди буни яхши томоша қилайин»,— деб бир катта қир бор эди, шу ёққа қараб жўнади. Отаси гўрда дуруст эди, от дуруст эди; қувса — етар эди, қочса — қутулар эди. Оқбилак чопиб шу катта қирнинг устига чиқса, бир сойнинг ичинда йиғирма йигит, бир йигит бойланган, Бўзтарлон ўлжа бўлган. Шунда Оқбилак Бўзтарлон отни таниб, зор-зор йиғлаб, тўрамнинг оти,— деб бир сўз деди:

Қайтайин, бошима бўпти қиёмат,
Энди, ишим бўлар оҳу надомат.
Ўзинг ўлжа бўпсан душман қўлига,
Устингдаги эганг қани, хон Аҳмад?

Арзимни эшитгин, ҳайвон Тарлон от,
Туёғинг кўксимга, берман хоназот!

Сен эдинг Дўрманнинг югрук тулпори,
Сендан қутулмайди тоғнинг олқори,
Ўлжа бўпсан тил билмасга, жонивор.
Дўрман элдин миниб келган сувори.

Арзимни эшитгин, ҳайвон Тарлон от,
Туёғинг кўксимга, берман хоназот!

Унга шикаст берган бахтим қораси,
Узоқ эди икковининг ораси,
Ўлжа бўпсан душманларга, жонивор!
Хон тўрамнинг бирга келган жўраси.

Арзимни эшитгин, ҳайвон Тарлон от,
Устингдаги тўранг қани, хоназот?

Дўрманда ўйнадинг, от бўп яйладинг,
Ўйнаб кунда неча усул айладинг,
Илоҳи ёмонлаб ўлгин, Тарлон от,
Устингдаги йўлбарсингни найладинг?

Арзимни эшитгин, ҳайвон Тарлон от,
Устингдаги хонинг қани, хоназот?

Тулпор бўп жойладинг Дўрман элини,
Сувладинг Дўрманда Ойдин кўлини,
Дўрман элдан миниб келган сувори,
Қайда ташлаб келдинг шоҳнинг улини?

Арзимни эшитгин, ҳайвон Тарлон от,
Устингдаги хонинг қани, хоназот?

Бўзтарлон Аҳмаднинг ёрини кўрди,
Тўрт оёгин ерга тираб чинқирди,
Жониворнинг наъра тортган довшига
Осмон билан ерлар ларзага кирди.

Савдо тушди Бўзтарлоннинг бошига,
Чўл титрайди ҳайвоннинг нолишига,
Жонвор Тарлон одамдай бўп инграниб
Чопиб борди Оқбилакнинг қошига.

Булбул чиқмас райҳон гулнинг қўйнидан,
Душман юрар мард ўғлоннинг кейнидан,
«Шоҳ гўрамнинг миниб келган тулнори!»
Оқбилак шўр қучоқлабди бўйнидан.

— Қайтайин, ҳарна боримдан айрилдим,
Новда ўсган чиноримдан айрилдим,
Иковмиз ҳам бебахт бўлдик, жонивор,
Сен эгангдан, мен ёримдан айрилдим.

Қизил гулдай рангим кетди сарғайиб,
Кимга айтай сирим, дардимни ёйиб,
Сен эгангдан, мен тўрамдан айрилдим,
Сен ҳам қолдинг, жонивор Тарлон, бесоҳиб.

Во тўрам, деб бебахт нола қилади,
Қирқинлари отни ўртага олади,
Во тўрам, деб юлиб опти бетини,
Тўрам, деб канизлар садир қилади.

Оқбилакнинг канизлари йиғилиб,
Во тўрам, деб бари йиғлаб куюниб,
Во тўрам, деб зор йиғлайди муштипар,
Юролмади қадди ёйдай эгилиб.

От чопилар баланд тоғнинг пастидан,
Жон қутулмас азроилнинг қасдидан,
Қўйма, дейди айёрларни Сарихон,
Қувиб келди буларининг устидан.

Айёрларнинг бўйинларин ушатди,
Оғизларига бўз тупроқни ошатди,
Томоша қил Сарихондай жаллодни,
От устида Алмуҳаммадни бўшатди.

Бой Сарихон дарёдай бўп тошади,
Ғариб кўнгил қайнаб-қайнаб жўшади,
Бош-бошига қоча берди айёрлар,
Энди кўринг булар икковлашади.

Алмуҳаммад от чопди қушдай ютиниб,
Кетолмади бирови ҳам қутулиб,
Қўйма, дейди орқасидан Сарихон,
Айёрларнинг бари қолди тутилиб.

Оқизди кўзидан қонли ёшини,
Қон қилиб ташлади чўлнинг дашини,
Алмуҳаммадман икковлашиб Сарихон
Кесиби олди қирқ айёрнинг бошини.

Бой Сари тўкади кўзидан ёшди,
Сарихон олдирган ақлман ҳушди,
Айёрларнинг барин қириб иккови,
От устида Алмуҳаммадман кўришди.

— Қолмади менингдай сардорнинг ҳуши,
Тўкилар, тийилмас кўзининг ёши,
Қаерда кесилди боламнинг боши,
Жавоб бер, Дўрмандан келган йўлдоши.

Қуйган қуллар гапни гапга улайди,
Мард ўғлонлар мақсадини тилайди,
Ўпкасини босолмайди Алмуҳаммад,
Гапиролмай, бошин чайқаб йиғлайди.

Савдо тушди бебахтларнинг бошига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,

¹ Уғлим.

Сарихоннинг одамлари йиглашиб,
Келиб қолди икковининг қошига.

Оқбилак одамлар билан юролмай,
Зор йиғлайди тўрасини кўралмай,
Уртага олиб бари бирдан сўрайди,
Алмуҳаммад йиғлар жавоб беролмай.

Сарихон айтади:— Гапир, иним, деб,
Қиёматдан ёмон бўлди куним, деб,
Нега сен айтмайсан, иним, бизларга,
Қайда қолди юрт эгаси улим¹, деб?

Қаерда кесилди боламнинг боши,
Конига бўялди қаернинг даши,
Нега айтмайсан биздай куйган қулларга,
Аҳмаджоннинг бирга келган йўлдоши?

— Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Бевафо дунёга кўнгил бермагин,
Мен эмасман хон Аҳмаднинг йўлдоши,
Сарихон, аламим кўпдир, сўрмагин.

Отларни койитар тоғларнинг тоши,
От чопмоққа қойим даланинг даши,
Сарихон, аламим кўпдир, сўрама,
Мен эмасман хон Аҳмаднинг йўлдоши.

Уйқуда бойлади полвон қўлини,
Кўп ёд қилди Дўрмандайин элини,
Ғойибона юрти билан хўшлашди,
Шунда билдим хонзоданинг ҳолини.

Ҳар сўзин дардларга дармон айлади,
Сўз билан душманни бежон айлади,
Эсиз, дўстим ёлғиз экан энадан,
Ёлғизлигин жуда армон айлади.

Чидаёлмай икки кўзим ёшладим,
Алам тортиб банди бўғним бўшладим,
Ёлғизлигин кўп ҳам армон айлади,
Туrolмай устига ўзим ташладим.

Эсиз, шаҳзод неча алвонда сўйлади,
Ёлғизлигин кўп ҳам армон айлади,

¹ Уғлим

Алмуҳаммад туrolмай ўзин тайлади,
Мени ҳам айёрлар маҳкам бойлади.

Оҳ тортади ҳай аттанг, деб Алмуҳаммад,
Воҳ дўстим, деб Сарихонга тайлади.

Сарихон қучоқлаб олди иним, деб,
Энди менинг қандай бўлар куним, деб
Алмуҳаммадни қучоқлайди кўришиб,
Аҳмаднинг ўрнига келган улим, деб.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Куйсин ўлим, ким чидайди ҳилига,
Во тўрам, деб зор йиғлайди Оқбилак,
Бўзлаб тушди эр Хизирнинг чўлига.

Мард тўрамнинг миниб келган оти, деб,
Сувсиз чўлда юрганда қаноти, деб,
Бўзтарлонни солиб олган олдига
Сабил қолди Дўрман вилояти, деб.

Қирқин қиз бариси сочини ёйиб,
Муштипарлар ўлди дейди муғойиб,
Во тўрам, деб зор йиғлайди Оқбилак:
— Энди Дўрман қолди,— дейди,— бесоҳиб.

Менинг учун ширин жондан кечдинг, деб,
Менинг учун сувсиз чўлга тушдинг, деб,
Менинг учун юртингдан адашдинг, деб,
Менинг учун ёнар ўтга пишдинг, деб;
Во тўрам, деб зор йиғлайди Оқбилак,—
Менинг учун неча тоғдан ошдинг, деб.

Мен ҳам энди сенсиз турмам дунёда,
Кун-кундан аламим бўлар зиёда.
Сен бўлмасанг, ширин жонни нетарман,
Еринг ҳам ортингдан борар, шаҳзода.

Полвон тўрам, харидорим сен эдинг,
Қизиқ савдоли бозорим сен эдинг,
Боғимда олма, анорим сен эдинг,
Қаторда чирпинган норим сен эдинг,
Соғинсам, кўрсам хуморим сен эдинг,
Бўйним таққан туморим сен эдинг;
Олдимда ўстаг чинорим сен эдинг.

Кеча-кундуз ихтиёрим сен эдинг,
Кўнглимдан олган губорим сен эдинг,
Элимдаги эътиборим сен эдинг,
Боғда очилган лолазорим сен эдинг,
Манглайимда йўқу борим сен эдинг,
Очилган тоза баҳорим сен эдинг,
Суйдигим ҳам суяр ёрим сен эдинг,
Энди сенсиз мен турмасман дунёда,
Дунёга менинг турарим сен эдинг.

Хончорбоғда келганингда бўлмадим,
Тўрам, ухлаб қолганингда бўлмадим,
Душман гирдинг олганинда бўлмадим,
Қўлинг банди қилганинда бўлмадим,
Армон қилиб турганингда бўлмадим,
Золим қамчи урганинда бўлмадим,
Душман қилич солганинда бўлмадим,
Музтар бўлиб турганингда бўлмадим;
Қошингда, мард тўрам, нега ўлмадим?!
Во тўрам, деб бошингда турмасмидим,
Сенинг учун жонимни бермасмидим,
Бошингдан минг йўла ўргулмасмидим,
Шу вақт ўзимни ўлдирмасмидим;
Воҳ, тўрам, қайтайин, қолдим армонда,
Сенинг билан бир ерда қолмасмидим.

Бошима зарлидан рўмол ўрадим,
Ойна олиб оқ бетимга қарадим,
Менинг учун қурбон бўлдинг, валлоMAT,
Улсин ёринг, не кунингга ярадим?!

Қайтайин, иш ўтди, энди нетайин,
Сенинг мотамингни тинмай тутайин,
Ёринг бўлиб не кунингга ярадим,
Улсин ёринг, ёринг бўлмай кетайин;
Илоҳи Оқбилак ўлсин, ёронлар,
Бу ўтларга қандай тоқат этайин?!

Ер чидамас Оқбилакнинг додига,
Осмон титрар йиғлаган фарёдига,
Армон билан мард тўрамдан айрилдим,
Менинг учун минган ажал отига.

Қорахондай сардорини йиғлатган,
Энаси — ичкуярини йиғлатган,

Қалдигочдай жигарини йиғлатган,
Оқбилак шўрли ёрини йиғлатган;
Неча хешу табарини йиғлатган,
Дўрмандайин диёрини йиғлатган,—
Воҳ тўрам, деб зор йиғлайди йўлларда,—
Оқбилак вафодорини йиғлатган.

Бўзтарлон олдига тушиб боради,
Во тўрам, деб Оқбилак, чинқиради,
Айролиқнинг ўти қурсин, ёронлар,
Отдай бўлиб сувсиз чўлда юради,
Оқбилакнинг тўрам деган довшига
Сувсиз чўл гумбирлаб ларзон уради.

— Турайин десам тоқатим бўлмаса,
Юрайин десам, ҳолатим бўлмаса,
Учайин десам, қанотим бўлмаса,
Улайин десам, ҳаётим бўлмаса,
Ерга кирмакка нажотим бўлмаса,
Ёрим Аҳмад, азаматим бўлмаса,
Ҳолим сўрар валломатим бўлмаса,
Менинг учун асли минган отига,
Хон Аҳмаддай шераматим бўлмаса.

Оқбилакоyim лаби гезариб, кўзи бўзариб, юзи қизариб,
бадбахтнинг йўлига тушиб, неча қирлардан ошиб, ўпкаси
шишиб кета берсин. Сарихон Аҳмадбекнинг мотамини қу-
риб, уйига бориб, ҳарна борини, қатордаги норини, хази-
надаги зарини, ўзига қараганининг барини олиб, катта нор
туяларга нон, сув ортиб, Алмуҳаммад бечорани олдига со-
либ кела берсин. Алмуҳаммад ҳам доим кўзи бойланиб кел-
ган, баъзи вақтда шошиб, Бўзтарлон от билан, қизларнинг
изи билан келаётибди. Энди сўзни бошқа ердан эшитинг.

Дўрман шоҳи Қорахон бир куни маст уйқуда ётиб эди.
Ярим оқшом бўлганда, Милкар тоғда Аҳмаджонни қарғаб
қолган Бахилой пари каптар бўлиб, аркига қўниб, Қорахон
ҳовлисига қараб, Аҳмад ўғлинг ўлди,— деб бир сўз деди:

Бу жудолик мардни қилар саргардон,
Изласанг, топмассан дардингга дармон,
Валламатим, қулоқ солгил сўзима,
Оламдан хабаринг борми, Қорахон?

Йиғламай найлайин, қисматим қатти(қ),
Куйсин ўлим, барча қулни йиғлатди,

Оламдан хабаринг борми, Қорахон,
Хончорбоғда ўғлинг оламдан ўтди.

Баҳорда очилган боғларда гулдай,
Анга ошиқ бўлган тўти булбулдай,
Хончорбоғда ўғлинг оламдан ўтди.

Хон Аҳмаддан хабар олсанг не бўлди,
Мурдасини йиғиб олсанг не бўлди,
Гўрига эгалик қилсанг не бўлди,
Хончорбоғда ўғлинг оламдан ўтди,
Бир болангдан хабар олсанг не бўлди?

Бу гапни паризод хатосиз айтди,
Айтганини мард Қорахон эшитди,
«Ёлғиз бола ёвдан ёмон», ёронлар,
Ҳай аттанг деб подшо ўзидан кетди.

Бу сўзларни эшитиб, эси кетиб эсанкираб, беҳуш бўлиб қолди.

Аҳмадбек Хончорбоғда банди бўлган пилла Қалдирғоч хўрак емай, кўзининг ёши тинмай, зор-зор йиғлаб: «Вой, акам Аҳмаддан айрилдим, қанотимдан қайрилдим»,— деб юрар эди. «Ҳар оқшом туш кўрсам, икки даста гулни боши-ма санчаман, уйга келмай, бирови сўлиб қолади, бирови жайнаб туради: сизлар билмайсизлар, акам ўлди, менга қиёмат бўлди»,— дер эди. Анда отаси Қорахон: «Э, қизим, йиғлама, туш деганнинг поёни бўлмас, туш билан фолга ишониб бўлмайди»,— дер эди.

Парининг сўзини эшитгандан:— Вой, акам, ёлғизим, кўрар кўзим, вой Аҳмад, азизим, айрилдим соҳибтаминим,— деб йиғлаб тура келди. Шунда энаси қизини бағрига босиб:— Фарзандим, йиғлама, бу гапга эътибор қилиб бўлмайди, бу ҳам жинми, шайтонми?— деб, тасалло берди. Қорахон ўзида тоб-тоқат қолмай, ёлғиз боланинг ўтида туролмай, таблаҳонага бориб, уч отни эгарлаб олиб, учови миниб, шаҳарнинг бир гўшасидан чиқиб кетди; ҳеч бир жон билмай қолди. Элидан чиқиб, йўлга тушиб, ақлидан адашиб, во болам, деб бораётибди:

Мардларнинг белида заррин пўтаси,
Туя ўлса, бўзлаб қолар бўтаси,
Во болам, деб бўзлаб кетиб боради
Аҳмадбекнинг Қорахондай отаси.

Куймасин ҳеч кимнинг кулбахонаси,
Урганмасин қизил гулдай танаси,
Во болам, деб йиғлаб кетиб боради
Аҳмадбекнинг оқ сут берган энаси.

Дўрманнинг элинда ўсган диёри,
Беҳабар қолгандир кўп ичкуяри,
Оғам, деб чирқираб, бўзлаб боради
Аҳмадбекнинг Қалдирғочдай жигари.

— Узоқ қолди элим, деб,
Хазон бўлди гулим, деб,—
Мард Қорахон йиғлайди,
Ёлғиз Аҳмад улим, деб.

Боғда очилган лолам, деб
Оқди кўздан жалам, деб,—
Мард Қорахон бўзлайди,
Ёлғиз Аҳмад болам,— деб.

Куйди хону моним, деб,
Вайрон бўп маконим, деб,—
Мард Қорахон йиғлайди,
Қани Аҳмад жоним?— деб.

Бошда соябоним, деб,
Болам, меҳрибоним, деб,—
Мард Қорахон йиғлайди,
Қани Аҳмад хоним?— деб.

— Менинг сўзлар сўзим, деб,
Кечали, кундузим, деб,—
Энаси шўр йиғлайди,
Менинг Аҳмад кўзим,— деб,

Кўкрагимда сутим, деб,
Юрагимда ўтим, деб,—
Энаси шўр йиғлайди,
Қайдасан, Аҳмадим?— деб.

Белимда қувватим, деб,
Тизимда мададим, деб,—
Энаси шўр йиғлайди,—
Аҳмад азаматим,— деб.

Армон билан ўлдим, деб,
Тоза гулдай сўлдим, деб,—
Энаси шўр йиғлайди,—
Мен боламлаб қолдим,— деб.

— Бедов отга тўғам, деб,
Бошга санчган жигам, деб,—
Қалдирғоч шўр йиғлайди —
Ёлғиз Аҳмад оғам, деб.

Кўздан оққан ёшим, деб,
Акам қариндошим, деб,—
Қалдирғоч зор йиғлайди,—
Аҳмад эмчакдошим, деб.

— Худоё, ҳеч кимса, биздай бўлмасин,
Биздай бўлса бу дунёга келмасин,—
Зор йиғлайди Қорахондай валламат,—
Ҳеч кимнинг ёлғиз боласи ўлмасин.

Ҳеч кимнинг очилган гули сўлмасин,
Дунёда бизлардай бўлиб қолмасин,—
Зор йиғлайди Қорахондай валламат,—
Ҳеч кимнинг боласи ёлғиз бўлмасин.

Чўл чидамас Қорахоннинг додига,
Қулочлаб қамчи урар отнинг чотига,
Во болам, деб йўлда йиғлаб боради,
Асло қарамайди отнинг белига...

Майдонни кўрмаса, отин елмайди,
Юришига марднинг кўнгли тўлмайди,
Во болам, деб қистаб борар чўлларда,
Отин елар, паст-баландни билмайди.

От чопади элсиз, сувсиз далага,
Юрагин куйдирган ёлғиз болага,
Мард Қорахон йўлда отин қистайди,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан жўлага.

Отга қамчи чалади,
Отнинг жонин олади,
Сувсиз чўлда Қарохон,
Во болам, деб келади;
Элсиз, сувсиз чўлларда
Оққан сувдай елади.

Қистагандан қистади,
Йўл юрмоққа устади (р),
От чопади далага,
Гоҳ баланд, гоҳ пастдади (р).

Қашқир юрмас ерлардан,
Қирқиб кетиб боради,
Қамчи уриб, чу дейди,
Ирғиб кетиб боради.

Бўри юрмас ерлардан,
Бўйлаб кетиб боради,
Во болам, деб Қорахон
Сўйлаб кетиб боради.

Қуён турмас ерлардан
Қувиб кетиб боради,
Во болам, деб юраги
Куйиб кетиб боради.

Тулки ўтмас сойлардан
Тунда кетиб боради,
Тўхтаб тоқат қилолмай,
Кунда кетиб боради.

Олқор юрмас адирдан
Утиб кетиб боради,

Мард Қорахон жонини
Сотиб кетиб боради,

Сусар юрмас ерлардан
Сувлаб кетиб боради,
Мард Аҳмаднинг ўтига
Гувлаб кетиб боради.

Кийик юрмас йўллардан
Куйиб ўтиб боради,
Тирикчилик жонига
Тийиб¹ ўтиб боради.

Йилон юрмас ерлардан
Елиб ўтиб боради,
Борган ерин Қорахон
Билиб ўтиб боради.

¹ Тегиб.

Ол, ол юрди, ол юрди,
Озгина эмас, мўл юрди,
Зор йиғлашиб уч куйган
Айни қирқ кун йўл юрди.

Узоқ билинг икковининг орасин,
Беклар минар бедов отнинг сарасин,
Қирқ кеча-қирқ кундуз юриб Қорахон
Қистаб олди Милкар тоғнинг қорасин.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,
Қирқ кечаю кундуз юриб бебахтлар
Номозшомда чиқди тоғнинг устига.

Қирқ кун юриб, Милкар тоғнинг устига чиқиб, отлар олди оғир бўлиб чарчаб қолди. Қорахон: «Бу кун шу ерда тушиб ўтайин, моллар чарчади. Эртагача дамин олиб қолар»,— деб қўндилар. Анда Қалдирғоч отасига қараб:— Акам ўққа учган ерга келдик,— деб бир сўз деди:

Қалдирғоч:

Аҳмад деб, отажон, элдан адашдик,
Куйсин ўлим ёнар ўтга туташдик,
Оч кўзинг, атрофга қара, отажон,
Акам ўққа учган жойга етишдик.

Қорахон:

Кокилингнинг банди-бандин туйдирма,
Қошинг кериб, қобоғингни уйдирма,
Ўз куйганим бўлар менинг ўзима,
Елғизим, ўртанган жоним куйдирма.

Қалдирғоч:

Акам шўрли қушдай Дўрмандан учди,
Қирқ кун юриб турган тоққа етишди,
Шу ерда Аҳмаджон бир ўққа учди,
Акам ўққа учган жойга етишдик.

Қорахон:

Қулоқ сол, жон қизим, айтган сўзима,
Жимма-жимма ёшим тўлган кўзима,
Фарзандим, ўртанган жоним куйдирма,
Ўз куйганим бўлар менинг ўзима.

Қалдирғош:

Менинг акам Дўрман элга марқади (р),
Бўзтарлон бедови йўлга йўрғади (р),
Шу ерда ой Бахил йиғлаб қарғади,
Акам ўққа учган жойга етишдик.

Қорахон:

Қулоқ сол, ёлғизим, йиғлаганима,
Во болам, даб шарқ¹ ураман сонима,
Аҳмад десанг, менда тоқат қолмайди,
Акам десанг, ўт киради танима.

Қорахон подшонинг бир алами минг бўлиб, ранги гулдай сўлиб, майиблардай инграниб, ичи ўтдай ёниб, бада-ни дуддай тутаниб, дарди қўзғалиб, юраги тошиб, ўпкаси пишиб, Аҳмадбекдай полвон, ёлғиз ўғли ёдига тушиб, оқ тортиб, суюқларини қақшатиб, банди бўғнин бўшатиб, кўнгли пора-пора бўлиб, дарёдай тўлиб, кўнгли бузилиб, ёши тизилиб. Аҳмадбекни соғиниб, бир сўз деди:

Мисли оққан сувдай оқсам,
Кўз очиб оламга боқсам,
Одамдай жаннатдан чиқсам,
Кўрарманми, болам, сени?

Юраги тўла қон бўлсам,
Сени излаб сарсон бўлсам,
Нуҳ қовмидай тўфон бўлсам,
Топарманми, болам сени?

Доим сени излаб юрсам,
Агар кўрсам, жоним берсам,
Иброҳимдай ўтга кирсам,
Кўрарманми, болам, сени?

Дунёнинг таркин айласам,
Белимни маҳкам бойласам,
Мусодайин рост сўйласам,
Топарманми, болам, сени?

¹ Шарақ

Суякларим тошга чақсам,
Утингга бағримни ёқсам,
Исодайин кўкка чиқсам,
Кўрарманми, болам, сени?

Яъқубдай бағри қон бўлсам,
Кўйинг билан қурбон бўлсам,
Юсуфдайин зиндон бўлсам,
Топарманми, болам, сени?

Жамолингга кўзим тутсам,
Зулайходай қонлар ютсам,
Юсуфдайин ўзим сотсам,
Топарманми, болам, сени?

Кўйинг билан сарсон бўлсам,
Шавқинг билан ҳайрон бўлсам,
Исмоилдай қурбон бўлсам,
Кўрарманми, болам, сени?

Жиржисдай мойда қайнасам,
Мансурдай дорда ўйнасам,
Намруддай олов чайнасам,
Кўрарманми, болам, сени?

Утгинангга тинмай куйсам,
Кўрсам, гулдай юзинг суйсам,
Насимийдай терим суйсам,
Топарманми, болам, сени?

Кўйинг билан қонлар ютсам,
Кўраман, деб кўзим тутсам,
Боязиддай ўзим сотсам,
Кўрарманми, болам, сени?

Ўзимни йўлга чоғласам,
Ҳар кимсадан сўроғласам
Маҳшарғача қон йиғдасам,
Топарманми, болам сени?

Етим бўтадай бўзласам,
Кесиб бағримни тузласам,
Жаҳонни тинмай изласам,
Кўрарманми, болам, сени?

Қорахон бечора боласининг доғига куйиб, дунёдан тўйиб, учовлари, ҳам йиғлай-йиғлай, чарчаган одамлар эмасми, одам уйқусиз бўлмайди, ухлаб қолди. Буларнинг ухлаганини Бахил пари билиб, келиб уч отни ҳам олиб кетди. Эртангисин туриб қарасалар, отлар йўқ. У ерни, бу ерни кўрдилар, йўқ. Хуржун-қулоғи, толқон-суви бошида қолибди. Шунда Қалдирғоч айтди:— Бу... отларни ҳам олиб кетди. Бизларга қанча заҳмат бўлди — шундан бўлди...

Охири иложини топмай, пиёда йўлга равона бўлиб, кетиб бораётибди:

Қирғий ётар қияда,
Лочин ётар уяда,
Қорахондай валлаMAT
Йўлга тушди пиёда.
Отдай йўртиб қолади,
Балки отдан зиёда.

Отдай бўлиб елади,
Бўзлаб, йўртиб келади,
Учовлари пиёда
Отнинг йўлин олади,
Во болам, деб Қорахон
Тинмай нолиш қилади.

Урни, қирни билмайди,
Бирор дамин олмайди,
Во болам, деб йиғлайди,
Чарчаганин билмайди.

Юриб совиб келади,
Кўнгли оғиб келади,
Кўзин ёши булутдай,
Тинмай ёғиб келади;
Пиёдалаб йўл тортиб,
Отдай чопиб келади.

Зор йиғлайди сувсиз чўлда пиёда:
Улимча ёмон иш борми дунёда,
Илоҳи дунёси қурсин, қайтайин,
Кундан-кун аламин бўлди зиёда...

Юролмайман оёқларим қабариб,
Кўзим кўрмас чарчагандан ғубориб,
Сувсиз чўлда келаяпман пиёда,
Кўрсам дейман ёлғиз боламини бориб.

Кўрарманми Аҳмаддайн қўзини,
Жуда ҳам соғиндим гулдай юзини,
Худоё, кўрсатгин ёлғиз боламни,
Кўзларимга сурма қилай изини.

Қайтайин дармоним кетиб боради,
Танда ширин жоним кетиб боради,
Яратганим, раҳм этмасанг ҳолима,
Аҳмаддай полвоним кетиб боради.

Аҳмаднинг энаси:— Мунча ўзингни койитдинг, йўлда
ўлиб қоласан; ҳар қандай бўлса Хончорбоққа борайик,
куч-қувватингни кеткизма,— деб бир сўз деди:

Тақдир-қисмат бизни шуйтиб ҳайдади,
Икки ердан белинг маҳкам бойлагин,
Сенга, менга энди Аҳмад қайдади (р).

Аҳмад учун энди ўлиб кетармиз,
Улгунча Аҳмад деб мотам тутармиз,
Валлакатим, ўзни бекор койитма,
Буйтсанг¹ Хончорбоққа қачон етармиз?

Қайтайин, бизларга бўлди қиёмат,
Улгунча бизларга ундир хон Аҳмад,
Сен ўзингни бекор йўлда койитма,
Мард бўл, мардона бўлгин, валлакат,

Бундай қилсанг, мина² йўлда қоласан,
Аҳмад деб тинмайин нола қиласан,
Мард бўл, мардона бўлгин, валлакат,
Йўлда қолсанг, армон билан ўласан,

Аҳмад дий-дий куйиб-ёниб ўтайик,
Тақдири қисматда бўлса нетайик,
Мард бўл, мардона бўлгин, шоҳ тўрам,
Ғайрат қилгин, Хончорбоққа етайик.

Қорахон подшога бу сўзлар тасалло бўлиб, ўн тўрт кун
деганда Оқработнинг устидан бориб қолдилар. Шунда
Қалдирғоч зор йиғлаб, ота-онасига қараб.— Кўп товушлар-
рингни чиқарманглар, шу работда акамнинг йўлини тўсиб

¹ Бундай этсанг.

² Мана бу.

қирқ занги ётибди. Агар занги билса, ўлдириб, гўштимини
ни арақ кетидан кабоб қилади,— деб бир сўз деди:

Отажон, сўзимни қилгайсиз бовар,
Сизга қилай пинҳон сўзларни изҳор.
Хон акамнинг йўлини тўсиб ётибди,
Шу работда қирқта занги, душман бор.

Отажон, чиқарма кўп довушингни,
Оқизар кўзингдан қонли ёшингни,
Шу работда қирқта душман ётибди,
Агар билса, кесар тандан бошингни,

Агар билса, гулистонинг боғ этар,
Бошинг кесиб, суягингни қоқ этар,
Отажон, чиқарма зинҳор довушингни,
Арақ кейинидан шул кабоб этар.

Қалдирғочнинг бу сўзиман бебахтлар,
Йиғлашмай работдан ўтиб кетдилар.

Оҳ тортади, болам дейди тўлғониб,
Эр Қорахон майиблардай инграниб
Вой Аҳмад, деб наъра тортса валлама
Ичидаги дами ўтдайин ёниб.

— Ҳай аттанг-а, мамлакатим бўлмади,
Дўрман элдай вилоятим бўлмади,
Армон билан йўлда қолдим, найлайин,
Юрмакка, қайтай, ҳолатим бўлмади.

Йиқилдинг деб суяб олса ота, деб,
Ҳай аттанг, полвон Аҳмадим бўлмади,
Жоним ота, чарчаб қонсан, деб келса,
Аҳмадхондай шераматим бўлмади.

От чоғилар баланд тоғнинг остига,
Душман юрар эр йигитнинг қасдига,
Олти кеча-кундуз юриб Қорахон,
Булар чиқди Қорача тоғ устига.

Қорахоннинг қадди ёндай букилди,
Вой Аҳмад, деб кўздан ёши тўкилди.

Юрмакка мажолн қолмай валлаMAT,
Эсанкираб мард Қорахон йиқилди.

Отасидан ўта бериб муштипар,
Во акам, деб эси кетди Қалдирғоч.

Аҳмадбекнинг энаси қизининг бошида зор йиғлаб, бир сўз деди:

Найлайин, сўзлар сўзимдан айрилдим,
Ҳам кечаю кундузимдан айрилдим,
Мина ўлим қилди бизни саргардон,
Ҳам ўғлимдан, ҳам қизимдан айрилдим.

Фалак пештоқидан учган юлдузим,
Улуғ дарёлардан чиққан қундузим,
Ҳам ўғлимдан, ҳам қизимдан айрилдим,
Кўзинг очиб бир сўзлагин, жон қизим.

Сенинг юзинг қизил гулнинг хирмони,
Сўзларинг энангнинг дарлин дармони,
Ҳай аттанг-а, мен қизимдан айрилдим,
То қиёмат мендан кетмас армони.

Еқаси ҳўл кўздан оққан ёшида,
Зор йиғлайди Қалдирғочнинг қошида,
Во болам, деб йиғлай-йиғлай муштипар,
Йиқилди энаси қизин бошида.

Энди сўзни бошқа ердан эшитмоқ керак.

Эрназар работда: «То сен келмай, мен кетмасман»,—
деб Аҳмадбек билан ваъда қилиб қолган эди. Эрназар йи-
гитлари билан ов овлаб работда ётиб эди. Шу вақтда
Бахил пари работнинг деворига қўниб, Эрназарга қараб-
бир сўз деб турибди:

Мен йиғлайман бир худойга зор-зор,
Ҳар ишга яратган ояло сабабкор,
Қулоқ солинглар айтадиган арзим бор,
Оламдан хабаринг борми, Эрназар?..

Йиғламай найлайин, қисматим қатти(қ).
Куйсин ўлим, барча қўлни йиғлатди,

Келиб сени бандиликдан бўшатди,
Хончорбоғда дўстинг оламдан ўтди.

Бекларнинг чувалар белда пўтаси,
Яхшининг сўзинда бўлмас хатоси,
Во болам, деб бўзлаб ўтди, билмадинг,
Хон Аҳмаднинг Қорахондай отаси.

Куймасин ҳеч кимнинг кулбахонаси,
Уртанмасин қизил гулдай танаси,
Во болам, деб бўзлаб ўтди, билмадинг,
Хон Аҳмаднинг оқ сут берган энаси.

Узоқда қолганди манзил, диёри,
Беҳабар қолганди кўп ичқуяри,
Оғам, деб чирқираб ўтди, билмадинг,
Хон Аҳмаднинг Қалдирғочдай жигари.

Жабр қилди мард Эрназар жонига,
Девор титрар марднинг йиғлаганига,

Ҳай аттанг, деб ура берди сонига...

— Миришкорлар чиқар Ойдин кўл-овга,
Ботирдан широлға тилайди совға,
Қирқ йигитим, азаматим, бекларим,
Ботирларим, ёппа мининг бедовга

Бедовларни ҳар тарафга чопинглар,
Чопилган сўнг қоли зуллар ёпинглар,
Садаға қурбонинг бўлай, қирқ жаллод,
Ахтаринглар, Қорахонни топинглар.

Қирқ йигитим, бўтадай бўп бўзланглар,
Кесиб-кесиб қора бағрин тузланглар,
Садаға қурбонинг бўлай, қирқ жаллод,
От чопинглар, энасини изланглар.

Душман бўлса қилич билан чопинглар,
Қорахоннинг обрўйини ёпинглар,
Садаға қурбонинг бўлай, қирқ жаллод,
От чопинглар, сингисини топинглар.

Мард Эрназар ўтдай ғувлаб куяди,
Ҳай аттанг, деб қобоғини уяди,

Баббаробар бўлган қирқ отнинг боши,
Ҳайда, дейди жиловини қўяди.

Айқич-уйқуч қамчи уриб сонига,
Жабр қилиб мард Эрназар жонига,
Сувсиз чўл гумбурлаб ларзон беради,
Отларнинг пишқириб ирғиганига.

Ҳайда, дейди отга қамчи чалади,
Чўлларда отларнинг жонин олади,
Баббаробар бўлган қирқ отнинг боши,
Жиловини қўйиб ҳайдаб келади.

Шу дарёдай қайнаб тўлиб-тошади,
Кўрганларнинг, билинг, ақли шошади,
Баробар бўлгандир қирқ отнинг боши,
Бир-бирига ҳайда, ҳайда дейишади.

Қирқ бедов от бораётир отилиб,
Эрназарнинг ширин жони сотилиб,
Йигитларга қарамайин чу, дейди,
Бораётир сувсиз чўлда ютиниб.

Қулоқ солмай бедилларнинг додига,
Найза тегар мард ўғлоннинг этига,
Айқич-уйқуч қамчи уриб боради,
Асло қарамайди отнинг бетига...

Қараб бўлмас Эрназарнинг бастига,
Отин чопди тоғнинг баланд-пастига,
Томоша қинг Эрназардай жаллодни
Қистаб чиқди Қорача тоғ устига.

Во ҳасрато, иш баҳодан ўтибди,
Куйсин ўлим барчани йиғлатибди.
Эрназар кўзини очиб қараса,
Қорахон валлават ағнаб ётибди.

Мард Эрназар икки кўзин ёшлади,
Аттанг, деди пастки лабин тишлади,
Йўлда кўрди мард Аҳмаднинг отасин,
Зор йиғлаб Эрназар отдан ташлади.

Савдо тушди Эрназарнинг бошига,
Еқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,

Отидан ўзини полвон ташлади,
Йиғлаб борди энасининг қошига.

Эрназархон Қорача тоғнинг устига чиқиб, аввало отаси Қорахонни кўрди. Булай-булай ирғади, билмади. Йиғлаб қўя берди. Аҳмадбекнинг энаси Қалдирғочнинг қошида йиқилган эди. Шунда Аҳмадбекнинг энаси кўзини очиб қараса, бир ўғлон, ўн тўрт ёшида, зар қалпоқ бошида; ҳар кўзидан қатра-қатра ёш тўкилиб, қадди букилиб турганини кўриб:— Бизлар дунёдан қўл ювиб, охират сафарига борамиз. Сен қандай одамсан?— деб бир сўз деди:

Ё билмайман гапга етук олимсан,
Ё билмайман қони совуқ золимсан,
Бундай кунда соя солган бошима,
Бошимда кеп турган қандай жонимсан?

Куймасин ҳеч кимнинг кулбахонаси,
Уртанмасин қизил гулдай танаси,
Бошим узра келган қандай жонимсан,
Мен бўламан хон Аҳмаднинг энаси.

Куйганларнинг чиқар оҳ билан зори,
Уртанганининг қолмас сабри, қарори,
Бошим узра турган қандай жонимсан,
Ана ётган Дўрмон элнинг тождори.
Бизлар куйган хон Аҳмаднинг ўтига.
Мина ётган Қалдирғочдай жигари.

От чопилар тоғнинг баланд-пасига,
Қулоқ солинг гапнинг ёлғон, росига,
Мунда ҳам бор эди ота-энаси.
Шулар тушди Эрназарнинг эсига...

— Аҳмаднинг ўрнига мен ҳам улингман,
Очилганда боғда тоза гулингман,
Жойингдан тур, сувни ичгин энажон,
Излаб сени топдим [энди] қулингман.

Ғам билан сарғайтган гулдай юзини,
Унутган армонман шўрли ўзини,
Сувинг бўлса бер деб ўзи ичмайди,
Ишорат қил кўрсатади қизини.

Қалдирғочни мард Эрназар суяди,
Меҳтарадан сувни оз-оз қуяди,
Энаси шўр ўзи ичмас сувини,
Насибасин бир қизига қуяди.

Меҳтараман сувни полвон тутади,
Оз-оз қуйса томоғига кетади,
Аста-аста сувни қуйса оғзига,
Қалдирғоч шўр қултум-қултум ютади.

Мерган отар сувсиз чўлнинг ғозини,
Ким кўтармас санам ёрнинг нозини,
Сув ичиб Қалдирғоч очди кўзини,
Энасин қўйнида кўрди ўзини;
Энаси ҳам ичиб марднинг сувини,
Энаси турғизди нозик қизини.

Мард Эрназар унутгандир ўзини,
Сув бериб, тўйғазиб эна-қизини,
Бориб Қорахоннинг очди оғзини
Сув ичиб валлаMAT очди кўзини.

Қорахон ўзига келди, бошида бир йигит билан қизини кўрди. Вой Аҳмад, деб турди. Эрназархон буларга хуржунидан овқат олиб бериб, қорнини тўйғазиб, сувдан қондириб эди, булар туриб юрмоқчи бўлди. Анда Эрназархон отини олиб келиб Қорахонга миндирди, энасига шунча мин, деди, энаси кўнмади. Қалдирғочга сен мингаш деди, бул ҳам кўнмади. Бизлар пиёда борамиз,— деб йўл билан зор-зор йиглаб кета берди. Хончорбоққа яқин қолиб эди, булар юриб бориб қолди. Хончорбоғ кўринди. Қорахон Хончорбоғда [ўглининг] жасадини кўриб, отдан ташлаб, дод деб боради:

Во ҳасрато, иш баҳодан ўтибди,
Қуйсин ўлим, барчани йиғлатибди,
Қорахон кўзини очиб қараса,
Аҳмаднинг мурдаси ағнаб ётибди.

Алам тортиб банди бўғнин бўшлади,
Икки ола хумор кўзни ёшлади,
Аҳмаднинг танасин кўрган замоно
Во болам, деб отдин ўзин ташлади.

Қонлар оқиб Қорахоннинг кўзидан,
Янгилай валлаMAT айтган сўзидан,

Во болам, деб ўзин отдан ташлади,
Қорахон валлават кетди ўзидан.

Эрназархон Қорахонни турғизиб,
Қўлтигидан суяб базўр юргизиб,
Во болам, деб наъра тортар Қорахон,
Эрназархон суяб базўр турғизиб.

— Қирғийнинг манзили бўлар қияда,
Қайтайин, аламиним бўлди зиёда,
Жоним болам, тура келсанг не бўлди,
Отанг шўр Дўрмандан келди пиёда.

Отанг келди, тура келсанг не бўлди,
Кўз очиб жойимни кўрсанг не бўлди,
Отанг келди, Дўрман элдан пиёда,
Тура келиб салом берсанг не бўлди?

От чопилар тоғнинг баланд-пастига
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,
Отанг келди, тура келсанг не бўлди,
Бўзлаб борди хон Аҳмаднинг устига...

Яхшининг гапининг бўлмас хатоси,
Савдогарнинг орқадаир матоси,
Во болам, деб Аҳмаджондан айланиб,
Бўзлаб йиғлар Қорахондай отаси.

Сут билан парвариш қилган синаси,
Ортидан дуоғўй гавҳар донаси,
Во болам, деб айланади, йиғлайди.
Хон Аҳмаднинг оқсут берган энаси.

Ота-эна боласининг фигури,

Во акам, деб чирқирайди, йиғлайди,
Аҳмадхоннинг ўн тўрт яшар жигари.

Олидан чопилар отнинг сараси,
Аҳмад ётир, Дўрман элнинг тўраси,
Во дўстим деб ўзин уриб йиғлайди,
Хон Аҳмаднинг Эрназархон жўраси.

Ҳай аттанг-а, баландим деб, пасим деб,
Битмай қолди кўнглимда ҳавасим, деб,
Хон Эрназар наъра тортиб йиғлайди,
Армонман айрилиб қолдим дўст деб,

Қаторда юк тортар норча-лўклари,
Асл норнинг оғир ортган юклари,
Хончорбоғда йиғлаб ётган вақтинда,
Келиб қолди Эрназарнинг беклари.

Хон Эрназар айтди:— Отдан тушинглар,
Дўстимнинг отасиман кўришинглар,
Бир-бир тавоб қилиб онглар йигитлар,
Биринг акам, биринг укам дейишинглар.

Мавж уриб куйганлар қайнаб тошади,
Йиғлашмоқ, инграшмоқ ҳаддан ошади,
Қирқ азамат қатор бўлиб йиғлашиб,
Бири акам, бири укам дейшади.

Қирқ йигит Аҳмадни ўртага олади
Бариси вой-войлаб шовқим солади,
Зор йиғлашиб, вой-вой солган довуши,
Йигитларнинг қулоғига келади.

Билмайман аҳволлар қандай бўлади,

Бу турганлар қараб кўрса, ёронлар,
Бир тўп одам мотам тутиб келади.

Баланд тоғда бўлар [кийик], олқори,
Шувуллайди зовда лочин, шунқори,
Одамдай кўзидан тўкиб ёшини.
Чопиб келди бекбаччанинг тулйори.

Жонивор одамдай кўзин ёшлайди,
Ҳар тарафга қараб жонивор кишнайди,
Одамдай бўп айланади, жонивор,
Аҳмаднинг устига ўзин ташлайди.

Одамдай бўп йиғлаб келди Бўзтарлон,
Оти қилди турганларни саргардон,
Қалдирғоч жигари, шўрли энаси,
Во болам деб бўзлаб турди Қорахон.

Қорахоннинг кўкайлари кесилди,
Майдонда мардларнинг кўнгли ўсилди,
Во болам, деб бўзлаб бориб Қорахон
Бўзтарлон отнинг бўйнига осилди.

- Сўлган экан боғда очилган гулим, деб,
Қани менинг Аҳмад жону дилим, деб,—

Бўзтарлонни ўртага олиб йиғлайди,—
Аҳмаднинг ўрнига қолган улим, деб.

Аҳмад эди Дўрман элнинг сардори,
Во тўрам, деб сочин ёйиб, чирқираб,
Бўзлаб келди Оқбилакдай дилбари.

Энди кетди турганларнинг қарори,
Қорахоннинг танда қолмай мадори,
Во тўрам, деб энасиман кўришди,
Аҳмадхоннинг келиб Оқбилак ёри.

Во тўрам, деб Қалдирғочман кўришди
Аҳмадхоннинг Оқбилакдай дилдори.
Орқасидан мотам қилиб йиғлашиб,
Кўришди барисиман канизлари...

Бебахтларга йўлда мотамлар тушди
Жудолик ўтига ўртанди, пишди,
Во болам, деб майиблардай инграниб,
Сарихон кеп Қорахонман кўришди.

Кўлларнинг фарқиллар ўрдак, сўнаси,
Ошиқликни англар қизнинг донаси,
Аҳмадхоннинг энасиман кўришди,
Во болам, деб Оқбилакнинг энаси.

Энди бўлди Хончорбоғда қиёмат,
Вой Аҳмад, дер неча бирдай азамат,
Булардан сўнг майиблардай инграниб,
Вой дўстим, деб йиғлаб келди Алмуҳаммад.

Алмуҳаммад, шўр куйиб, ўпкаси шишиб,
Айролиқ-жудолик йўлига тушиб,
Вой дўстим, деб зор йиғлашиб бебахтлар
Қорахонман, Эриазарман кўришиб.

Кўп одам Аҳмадни ўртага олади,
Бари бирдан йиғлаб нолиш қилади,
Хончорбоғда ларзон бериб йиғлашиб,
Хотинлар ҳу, дейишиб садр солади.

Қорахон устига Сарихон эли билан, асбоб-олоти билан
келиб, икки мотамдорлар бирлашиб, зор-зор йиғлашиб,
ақли шошиб, бир-бирининг бўйини кучоқлашиб, йиғлаб тур-
ган маҳалда Аҳмадхонни қарғаб қолган пари Хончорбоғ.

нинг устига қўниб, одам суратли бир барно қиз бўлиб келиб айтди:— Эй, Қорахон ва эй Сарихон, Эрназархон, ҳой, Алмуҳаммад! Сизларга мен бир сўз айтаман, қулоқ солиб эшитинглар. Сизлар мунча йиғлаган билан Аҳмадни тирги-зиб оласизларми?! Ҳали ҳам бўлса, сизлар кўнгилларингиз-ни, соф ниятларингизни рост қилиб турсанглар, мен бир дуо қилайин, шояд Аҳмад турса. Ҳаммаси йиғлашиб омин деб турди...

Неча соат ўтар тўлган ойдан,
Мард йигит обрў тилар худойидан,
Жандаларин шипириб олди эънидан,
Ё пирим, деб Аҳмад турди жойидан.

Аҳмадбек кўзини очиб қараса, Қорахон отаси, мунглақ энаси, Қалдирғоч жигари, Оқбилак ёри, Сарихон билан келган оғайнилари, Эрназар дўсти, Алмуҳаммад жўраси, Эрназарнинг қирқ йигити — ҳаммаси чувлаб, бир-бир кўришиб, оғзи-бурнин ўпишиб, адашганлар топишиб, қўй-қўздан эмранишиб, сўрашиб, қувонишиб қолдилар...

Анда Эрназар туя бияларни сўя берди, карнай, сурнай қўя берди. Катта ўчоқларни ўйдириб, семиз қўйларни сўйдириб, одамларни тўйдириб, тўй қила берди:

Йиғиб олиб элдин ёшу қарини,
Мулла, доно, элнинг катталарини,
Тўйга харжлаб олиб келган зарини:
Сарихон қаторда тиркаб норини,
Хон Аҳмадга никоҳ қилди биринчи
Хон Аҳмаднинг Оқбилакдай ёрини.

Эрназарга никоҳ қилди иккинчи
Аҳмадجونни қаргаб юрган парини.
Алмуҳаммадга никоҳ қилди учинчи
Аҳмадجونнинг Қалдирғоч жигарини.
Қирқ йигитга никоҳ қилди тўртинчи
Оқбилакнинг келган канизларини.

Яхшидан шарофат тегар ҳар ерда,
Ёмондан касофат тегар тор ерда.
Хотинли қилди келганнинг барини,
Чопа берди қирқ йигит кўпкарини,
Қизитиб бу ёқда суҳбатларини.

Қорахон айтди:— Аҳмадجون, бизлар сенсиз қандайлар бўладик. Эрназар сендай бир ернинг азизи, мендай бир улуг-

нинг кўрар кўзи экан. Бунинг ота-энаси бизлардай бўлиб йиғлаб инграб юрмасин. Эндиги суҳбат Дўрманда. Мана, ёрингни олдинг: энди Эрназарга жавоб берсанг; бизлар ҳам элга қайтсак.

Анда Аҳмад отасига қараб адаб билан айтди:— Эй, ота! Мен сиздан жавоб олиб келиб шу Оқрабодда қирқта зангини ўлдирдим. Ундан ўтиб Хончорбоққа келиб ухлаб, ғофилда банди бўлдим. Уйқунинг касофати билан шунча аломат, меҳнат, мустабитлар тортдик. Энди биз элга борсак, атар бор, етмас бор, албатта айтади: «Аҳмадхон боғда душманлар қўлига банди бўлиб, ўзини ўликка солиб, панд бериб, ўлмай қолибди, бўлмаса ўлдирад экан. У ёқдан Оқбиллак ёри келибди. Одамлари келгандан кейин тирик эканлигини билдирибди. Аҳмад ёрини шуйтиб олиб келибди»,— демасми?! Эндиги маслаҳат шу: Сарихоннинг ўтирган жойига бормоқ керак,— деб кўчни кейинига қаратиб кўчириб, неча кун, неча вақтлар юриб, Сарихоннинг ўтирган ерига келиб қўндилар.

Шоҳ Қубод ҳам эшитди: «Қуръачилар айтган Аҳмад келибди, Оқбилакни олибди, қирқ занги билан қирқ айёр, Бобоайёрни ўлдирибди»,— деб овоза бўлиб эл-юрти билан қўрқиб турди. Анда Қубодшоҳ элатияда жарчи қўйиб, у ёғи Сиёхпўш, то Ҳиндистон, Фарангистон билан, тўп ҳарэли билан карнай-сурнай қўйиб кўп лашкар йиға берди. Шунда Аҳмадбек Сарихон билан борган элатнинг бўз бола сини йиғиб, салтанат билан қўшинини устун қилиб, икки тараф саф бойлаб турдилар. Шул вақт полвон Эрназарнинг юраги тошиб, аввал Қорахондан, сўнг Сарихондан, Аҳмаддан жавоб олиб, бориб бир сўз деди:

Майдонда тўкарман душман ёшини,
Кесарман танидан азиз бошини,
Шоҳнинг инъомини олган ботирлар —
Турганлар кўрсин-да томошасини.

Ботирларим келди йўлингни тўсиб,
Исфиҳон олмосин белига осиб,
Бир қиличман баринг бошингни кесиб,
Майдонлар кўрсин-да, томошасини.

Мард шулдир, қозонда ошдай қайнаса,
Чечан шулдир, сўзни топиб сўйласа,
Қиличлар ялтираб, қалқон ўйнаса
Отган ўқлар кўрсин томошасини.

Қурилган даралар турлими чогири,
Ичинда оломон маст бўп ётири,
Майдондаги Қубод шоҳнинг ботири,
Бўз болалар кўрсин томошасини.

Эрназар дер, мен ҳам ўғлон бўламан.
Бошларингга не кунларни соламан.
Келганингнинг бошинг кесиб оламан,
Йиғилганлар кўрсин томошасини.

[Душманлар] эшитиб: «Буларнинг дами баланд экан, шу озгина лашкари билан уялмай қўрқмай устимизга келибди. Дурустроқ бировинг бориб анов тентакнинг бошини олиб, тағи учовининг бошини кесиб келинг»,— деб маслаҳат билан бирга катта полвонни юборди. Анда Эрназар мард бир ҳамла билан бошини кесиб ташлади, тушгача етмиш полвонни ўлдирди. Эрназарга ҳеч ким кела олмади. Анда Эрназархон сафларни бузиб, шовқин бериб, якка-танҳо от қўйди. [Душманларнинг] бўйни қалтираб, кўзи ялтираб, Эрназар мардга қараб: «Ҳов, бир одам шуйтами, бу нима деган гап бўлди?»,— деб қўрқишиб, бир хили айтади: «Албатта ўзига ишончи бўлмаса, шунча қўшинга бир ўзи от қўями!». Анда Эрназархон кечгача якка танҳо уч мингча одамни ўлдириб, майдондан омон-эсон чиқиб, Аҳмадбекка таъзим қилиб турди...

Эрта тонг отди, Аҳмадбек:— Бу кун мен майдонга бораман, ҳар турли ўйин кўрсатиб уруш қиларман. Сизлар ҳам чоқ бўлиб туринглар. Мабодо жанг мағлуб бўлса, ғайратни катта қилинглар,— деб отасидан фотиҳа олиб, майдонга кириб бу кун майдон уруш бўлсин, деб бир сўз деди:

Бир кун яна майдон бўлсин, азизлар,
Ким талабкор бўлса, келсин майдона!
Шоҳнинг инъомини олган йигитлар,
Ким талабкор бўлса, келсин майдона!

Чиндир, ёлғон эмас китобнинг сўзи,
Улсам шаҳид, ўлдирсам ғози,
Уни қўрқса, йигирмаси, ўттизи,
Ким талабкор бўлса келсин майдона!

Бошимда дубулға, белда беллиги,
Оти анжомининг йўқдир камлиги,
Ўттиз қўрқса, келсин қирқу эллиги,
Ким талабкор бўлса келсин майдона!

Оллонинг тўбидир одамнинг боши,
Бандасига келар ёз билан қиши,
Эллов¹ қўрқса, келсин олтмиш, етмиши,
Қим талабкор бўлса, келсин майдона!

Бизлар келган Сарихоннинг меҳмони,
Сўзимни рост билинг, йўқдир ёлғони.
Етмиш қўрқса, келсин саксон, тўқсон,
Қим талабкор бўлса келсин майдона!

Шул лашкар олдида менман қуловуз,
Мен уруш қилайин сизларга ёлғиз,
Тўқсон қўрқса, келсин юзу икки юз,
Қим талабкор бўлса, келсин майдона!

Келмасанг ҳамманглар [номард] бўлинглар,
Қочсанг қутилмассан, тайин билинглар
Юзинг қўрқсанг, минг, икки минг келинглар,
Қим талабкор бўлса, келсин майдона...

Келмасанг, юринглар ерли-еринга,
Бирингни қўшмайин энди биринга,
Аҳмадхон дер ёлғиз ўзим баринга,
Қим талабкор бўлса, келсин майдона!

Аҳмадбекнинг шердай суратини, булутдай ҳайбатини,
Рустамдай қувватини, тоғдай ғайратини кўриб, ҳеч ким ке-
ла олмай, Аҳмадбекнинг ўзи бекларига имлаб, от қўй,—
деб қиличини қинидан суғуриб, от қўйиб турибди...

Аҳмадбек қолганларига омон бериб, Қубод шохнинг ўр-
нига Алмуҳаммадни шоҳ қилиб, Сарихонни вазир қилиб
оталиқ амал бериб, дўсти Эрназархонни кўп инъом-эҳсон-
лар билан Балхга қайтариб. Аҳмадбекнинг ўзи уч ойдан
сўнг Оқбилак ёрини олиб, ота-энаси билан сиҳат ва сало-
мат Дўрман олига қилиб, қирқ кеча, қирқ кундуз тўй қи-
либ, ҳаммасининг вақтини хуш қилиб, тўйини тарқатиб, му-
род-мақсадига етди¹.

¹ Эллик.

¹ Достоннинг бир қисми Самарқандда, бир қисми Булунгур ра-
йон, Холвойи кентининг Қирқшоҳи қишлоғида 1926 йилда Эргаш шо-
ирнинг томонидан ёзилган. Асарининг аса нусхаси (Эргаш ота дастха-
ти) йўқолган. Достон Эргаш отанинг дастхатидан кўчирилган нусха
асосида нашрга тайёрланди.